

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا كُتِبَ عَلَيْكُمُ الصِّيَامُ
كَمَا كُتِبَ عَلَى الَّذِينَ مِن قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ

“Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам санокли кунларда рўза тутиш фарз қилинди” (Бақара, 183).

май тутганларгина кирадилар, холос. Қиёмат куни “Рўздорлар қани?” деб нидо қилинади. Шунда рўздорлар ўринларидан туриб, мазкур эшикдан киришади. Сўнг эшик ёпилади, улардан бошқа бирорта одам бу эшикдан кира олмайди” (Имом Бухорий ривояти).

Абу Хурайрадан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) шундай деганлар: “Ким ёлғон сўзлашни

ХУШ КЕЛИБСАН, МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИ!

Ҳадиси қудсийлардан:

“Рўза оташдан қалқондир, рўза Менинг учундир, унинг мукофотини Мен бераман. Зеро, рўздор емагини, ичмагини, нафсоний орзуларини фақат Мен учун тарк этади. Рўздор оғзининг хиди Аллоҳ учун мушк ҳидидан ҳам ёқимлироқдир” (Бағавий ва Табароний Ибн ал-Ҳассосийядан ривоят қилишган).

“Ҳар кимсанинг аъзолари ҳаромдан, гуноҳлардан тийилмаса, Мен учун емак-ичмагини тарк этишига аҳамият бермайман” (Абу Нуайм Ибн Масъуддан ривоят этган).

Абу Хурайрадан (розийаллоху анху) ривоятга кўра, Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) Аллоҳ таолонинг шундай буюрганини айтганлар: “Қулларимнинг Менга энг сеvimлиси (қуёш ботган заҳоти) тез оғиз очганларидир” (Аҳмад ибн Ҳанбал, Термизий ва Ибн Ҳиббон ривояти).

Ҳадиси шарифлардан:

Абу Хурайрадан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: “Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Рўза (тутиш) дўзах ўтидан асровчи воситадир. Бинобарин, рўздор ҳақорат сўзларини тилга олмасин, сўзлашганида бақирмасин, бировни масҳара қилмасин. Агар бирор киши рўздор билан уришса ёки уни ҳақорат қилса, рўздор икки бора “Мен рўза тутганман!” десин” (Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Саҳл ибн Саъд (розийаллоху анху) ривоят қиладилар: Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) шундай дедилар: “Жаннатда Раййон исмли бир эшик бор, бу эшикдан рўзани канда қил-


тарк этмаса ва Аллоҳ қайтарган нарсалардан қайтмаса, рўза тутиб, емай-ичмай қўйгани билан рўзаси қабул бўлмайди. Аллоҳ унга раҳмат назарини ташламайди” (Имом Бухорий, Абу Довуд, Термизий, Насайлар ривояти).

Абу Хурайрадан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) шундай марҳамат қилганлар: “Рўздор мўмин бирор мусулмонни ғийбат қилмаса, орқасидан унинг шаънига бўҳтон ёғдирмаса, Аллоҳ уни ибодатда деб ҳисоблайди” (Дайлабий ривояти).

Анас ибн Моликдан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) шундай деганлар: “Бирор кимса осийликни ва ёлғонни ташламаса, емак-ичмагини тарк этишига Аллоҳнинг эҳтиёжи йўқдир” (Табароний ривояти).

Абу Хурайрадан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) шундай деганлар: “Рўздор икки бор хурсанд бўлади: биринчиси — оғиз очганида (яъни, ифтор қилганида), иккинчиси — рўза тутиб, Аллоҳга ёруғ юз билан йўлиққанида” (Имом Бухорий ривояти).

Абу Хурайрадан (розийаллоху анху) ривоят қилинишича, Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Агар Рамазон кирса, осмон эшиклари очилиб, дўзах эшиклари беркитилади ва шайтонлар кишанланади”, дедилар (Имом Бухорий ривояти).



МУНДАРИЖА

Рамазон муборак! Хуш келибсан, муборак Рамазон ойи	1
Амри маъруф Бобомурод ЭРАЛИ Рўза тутиш фазилати	5
Мактубларда манзаралар Ислом динимиз барҳақ	10
Тафаккур Алоуддин БАШАР Севги нима?.....	14
Хотира Баҳодир КАРИМ Исмоилбек хотираси	18
Таваллудининг 600 йиллиги Хожа Аҳрор Валий	19
Болалар саҳифаси Кичкина Умарнинг ҳикоялари.....	20
Шеърият Абдураззоқ ЮНУС Ибодат қанда қилма.....	24
Эрназар ТОПИЛ Солиҳ бўлса фарзандинг	24
Гафиф ЛАТИФ Дуо	24
Абдурахмон ҳожи ҚОДИРИЙ Қилган шифойинг ғалат	25
Тўхтасин САТТОР Тўртликлар	25
Ахлоқ Зиёрат ва рухсат одоби	27
Адабиёт РАЙҲОНА Кутилмаган қўнғироқ	30
Қомус Таровеҳ	32

Муқовада:

1-бет. «Кўкалдош» мадрасаси ҳовлисида
кўриниш.

4-бет. Зомин тоғлари. Арчазор.

Сураткаш: Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли



Журналимиз саҳифаларида
оят ва ҳадислар берилаётгани
учун уни ножоиз жойларга
ташламаслигингизни сўраймиз

Масала**4****ТАРОВЕҲ НАМОЗИ**

Таровеҳ намози давомида Қуръони каримни бир марта хатм қилиш суннатдир. Салаф уламоларимиз Лайлатул қадр умидида рамазон ойининг йигирма еттинчи кечаси таровеҳида хатм қилишни мақбул кўришган. Бунинг учун Қуръони карим оятлари 540 рукуга тақсим этилиб, мусҳафларга белги қўйилган.



Ижтимоий ҳаёт
Абдусалом УМАРОВ

10**«ИНСОН КИТОБ БИЛАН
ИЛГАРИ КЕТАДИ»**

Китобхонларимизнинг катта қисмини ёшлар ташкил этмоқда. Ҳозир кутубхонамизнинг учта интернет синфида эллик иккита кампютер ишлаб тургани ҳам китобхонларимиз сони ошувига сабаб бўляпти.

Хабарлар**ИСЛОМ ВА ОЛАМ****12****Роҳиблар Исломни танлашди**

Бутунжаҳон мусулмон ёшлар асамблеяси маълумотида кўра, сўнгги уч ой ичида Филиппинда ўттиз бир киши Ислом динини қабул қилди. Улардан ўн уч нафари маҳаллий нарсоний роҳиблардир.



Олисларга саяхат

16

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ

Расмий маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда Хитойда 35 мингта масжид (шулардан 28 мингта жомеъ) бор. Уларда 45 минг имом фаолият кўрсатмоқда. 1953 йилдан бери Хитой Ислом жамияти ишлаб турибди. Мамлакатда тўққизта Ислом институти бор, уларда жами 23 минг талаба таҳсил кўрапти.



Футуҳот қомусидан

22

ОВРУПАДА ЯНГИЧА
ВОҚЕЛИК

Оврупадаги Ислом раҳнамоси, мусулмонларнинг маънавий етакчиси Ториқ Рамазон ҳисобланади. У 1962 йил Женевада (Швейцария) кўп фарзандли мисрлик муҳожир оиласида туғилган.

Ибратли воқеалар
УСМОНБЕК

26

СОБИҚ ДЎСТИМГА
ЖУНАТИЛМАГАН МАКТУБ

Охири ўша одамдан патта сотиб олиб, ичкарига кирдим. Ёнғин яна ҳам гуриллар эди... Либосимга ўт таъсир қилмагани учун оловнинг ўртасига кириб бордим.

Тиббийёт бурчаги
Сафар МУҲАММАД

32

С Е Д А
Е Н А

Седана уруғини куйдириб, ёғ ёки хинага аралаштириб бошга суртилса, соч тўкилишининг олдини олади.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Анвар ТУРСУН
Дурбек РАҲИМЖОНОВ
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Эркин МАЛИК
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани
Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли тайёрлади
Бадий муҳаррир
Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли
Тартибловчи
Қудратуллоҳ ЖУМА ўғли
Матнни
Юлдуз АСҚАР қизи
терди.

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46-уй;
Тел: 49-18-26, 42-08-07.
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 170

Босишга 2004 йил 23 сентябрда рухсат берилди.
Босмахонага 2004 йил 29 сентябрда топширилди.
Қоғоз бичими 84x108^{1/16}. Адади 7000 нусха.
282-сон буюртма. «КО'НИ NUR» МЧЖда босилди.
Манзили: Тошкент, Муқимий к., 178-уй.
Интернет почтамаиз: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.
Макет асл нусхаси Pentium-IV
компютерида саҳифаланди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди, тақриз қилинмайди.
Мақоалалар хат орқали юборилганида исми шарифлар
тўлиқ ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.

ТАРОВЕҲ НАМОЗИ

Ҳукми

Рамазон ойида таровеҳ намозини ўқиш эркак ва аёлларга суннати муаккададир. Таровеҳ намозини жамоат билан ўқиш суннати кифоядир.

Вақти

Таровеҳ намози хуфтон намозининг суннатидан сўнг витр намозидан олдин ўқилади.

Нияти

«Таровеҳ намозини (ё шу вақтнинг суннатини) юзимни Каъбанинг бир томонига қилиб, холис Аллоҳ учун ўқишни ният қилдим», деб кўнглидан ўтказилади.

Ракатлари сони

Таровеҳ намози йигирма ракатдир. Ҳар икки ракатдан сўнг салом берилади.

Ҳар тўрт ракатдан сўнг, яъни икки саломдан кейин ҳамда витр намозидан олдин тўрт ракат намоз ўқиш миқдорича дам олинади. Дам олишда, истаса, тасбеҳ ё таҳлил айтади ё жим ўтиради. Тасбеҳ айтиш мустаҳабдир.

Таровеҳ намозининг ҳар икки ракатининг биринчи ракатида имом ва қавм сано ўқийди. Имом тааввуз ва тасмия айтади. Руку ва сужуд тасбеҳлари учтадан айтилади. Қавма ва жалсага риоя этиш суннатдир.

Қироати

Барча намозларда, жумладан, таровеҳ намозида ҳам қироатни тажвид талабларига мувофиқ қилиш фарздир. Қироатда овоз гўзаллиги эмас, унинг тўғрилиги муҳимдир. Шунинг учун қироатни тўғри қилувчи одам имомликка ўтказилади. Таровеҳ намози давомида Қуръо-

ни каримни бир марта хатм қилиш суннатдир. Салаф уламоларимиз, Лайлатул қадр умидида Рамазон ойининг йигирма еттинчи кечаси таровеҳида хатм қилишни мақбул кўришган. Бунинг учун Қуръони карим оятлари 540 рукуга тақсим этилиб, мусҳафларга белги қўйилган.

Барча намозлардаги каби таровеҳ намозида ҳам жамоатнинг кўплиги афзалдир. Шунинг учун имом таровеҳ намозида жамоат тоқатиға мувофиқ миқдорда қироат қилиши лозим. Мутааххир уламоларимиз жамоат тоқатидан келиб чиқиб, таровеҳ намозида бир узун ё уч қисқа оят ўқиш мумкинлигига, яъни, Аср ва Ихлос каби сураларни ўқиш жоизлигига фатво беришган.

Бу ўринда шуни таъкидлаш лозим: таровеҳ намозида, жамоатга малол келади, деган ўйда намознинг суннатлари асло тарк этилмайди. Саловот ўқилади. Саловатдан кейинги дуони ўқимаслик жоиз.

Рамазон ойи давомида витр намози таровеҳ намозидан сўнг жамоат билан ўқилади.

Саволлар ва жавоблар

Савол: Балоғатга етмаган бола таровеҳ намозида имом бўлиши мумкинми?

Жавоб: Йўқ, мумкин эмас.

Савол: Таровеҳ намозида хатм бўлаётганида бир ё бир неча оят қолиб кетса, нима қилинади?

Жавоб: Қолиб кетган оят ё оятлар кейинги ракатга турганда аввал ўқилади, сўнг Қуръони карим келган жойидан давом эттирилади.

Савол: Рамазон ойида витр намози жамоат билан ўқилга-

нида кунут дуоси қандай ўқилади? Эргашувчи ҳам кунут дуосини ўқийдими?

Жавоб: Рамазон ойида витр намози жамоат билан ўқилганида кунут дуоси ичда — махфий ўқилади. Эргашувчилар ҳам кунут дуосини ичда ўқийдилар.

Савол: Эргашувчи кунут дуосини тугатмасдан имом рукуга борса нима қилади?

Жавоб: Бу ҳолда эргашувчи кунут дуосини келган жойида тўхтатиб, имомга эргашади.

Савол: Имом витр намозини ният қилиб, икки ракат ўқиганидан сўнг таровеҳ намози ёдига тушса ва салом берса, бу икки ракат таровеҳ ўрнига ўтадими?

Жавоб: Йўқ, ўтмайди. Зеро, ният таровеҳ ўқиш эмас эди.

Савол: Таровеҳ намозини узрсиз ўтириб ўқиш мумкинми?

Жавоб: Йўқ, узрсиз ўтириб ўқиш макруҳдир.

Савол: Имом рукуга боргунча кутиб, ният қилмай турса бўладими?

Жавоб: Йўқ, бундай қилиши макруҳ, мунофиқлар сифати.

Савол: Қаъдада ташаҳхуд ўқимай ухлаб қолган киши имом билан қўшилиб салом берса бўладими?

Жавоб: Йўқ, бўлмайди. Намозда ухлаб ўтказилган рукн ҳисоб эмас. У ҳолда ташаҳхудни ўқиб, сўнг салом бериш лозим. Акс ҳолда, намоз бузилади.

Савол: Таровеҳга бир ё икки саломдан сўнг қўшилган одам қолдирганларини қачон ўқиши лозим?

Жавоб: Таровеҳга бир ё икки саломдан сўнг қўшилган киши витр намозини жамоат билан ўқигач, қолдирган ракатларини ўқийди.

“Фатовои Қозихон”, “Мажмабул фатво”, “Радул мухтор”, “Дуррул мухтор”, “Маслакул муттақин” китоблари асосида
Муҳаммадшариф ЖУМАН
тайёрлади.

Йил айланаверар экан. Яқиндагина Рамазонни яшаб, рўзаларни тутиб, таровеҳларни ўқиб, Қуръон хатмларида қатнашиб, фитр садақасини адо этиб, сўнгра бир оз маъюслик билан хайрлашиб қолган эдик. Мана бугун қарасак, яна бу муборак ой остонамизда турибди. Аллоҳга минг қатла шукр, яна ўша-ўша файзи, шукуҳи, салобати билан кундан-кун бизга яқинлашмоқда. Энди бизнинг вазифамиз уни ўзига муносиб тарзда қаршилаш. Амалларига ҳозирлик кўриш ва яна Рамазоннинг файзига чўмилишидир.

РЎЗА ТУТИШ ФАЗИЛАТИ

Ҳар бир мўмин кишига Рамазонда тўлиқ бир ой рўза тутиш Қуръони карим оятлари билан фарз қилинди: “Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиш фарз қилинди” (Бақара, 183).

Инсон, ояти каримада билдирилганидек, саноқли кунлар рўза тутиш нақадар муҳим ибодат эканини англаб етса, ҳеч қачон рўзага дунёвий, тиббий ёки урфий маъно бермайди. Термизий ривоят қилган бир ҳадисда Расулулоҳ (алайҳиссалом): “Рўза сабрнинг ярмидир”, деганлар. Ибн Масъуддан келтирилган ривоятда эса: “Сабр имоннинг ярмидир”, дейилади. Чуқурроқ мулоҳаза қилинса, бир-бирини тўлдириб келаётгани кўрилади. Рўза сабрнинг ярми бўлса, сабр имоннинг ярми. Рўзадор сабр-тоқатли, чидамли бўлса, кўзлаган мақсадига эришади. Шундай бўлгач, рўза сабрнинг ярми бўлиши табиий. Чунки хоҳ фарз, хоҳ каффорат ёки нафл рўза бўлсин, мусулмон киши бошидан охирига қадар сабр-қаноатли, бардошли бўлиб, нафсини тийишнинг иложини излайди. Сабрсиз киши рўза тутолмайди.

Рўза ибодати инсонга ўзлигини танитади, инсонийлик мақомида мустаҳкам туришга кўникма ҳосил қилади ва тубанлашиб кетишига йўл қўймайди. Зеро, Аллоҳ таоло қадр-қиммати ва даражасини сақлай олганлар учун охиратда беҳисоб ажр-савоблар ато этишини ваъда қилади: “**Ҳеч шакшубҳа йўқки, сабр-тоқат қилгувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўқис қилиб берилур**” (Зумар, 10).

Демак, ўз қадр-қиммати ва даражасини билган инсон рўза тутишнинг афзал жиҳатларини англайди ва дарҳол амал йўлига ўтади. Шу боис рўза энг афзал ва энг улуғ ибодатлар қаторидан ўрин олган. Энг аввало, рўза тутиш кишининг гуноҳлари кечирилишига, ёмон амаллари ўчирилишига сабаб бўлади.

Яхши бир амал қилаётган киши ундан бир натижа кўзламасдан иложи йўқ. Фақат рўзанинг холис Аллоҳ учун бўлиши жуда муҳим. Чунки рўза тутган киши нафс истакларига қарши боради. Ҳар турли солиҳ амалнинг ажри ўнтадан етмиш савобгача кўпайиб борса, рўза тутган кишининг савоби муайян бир сон билан чеклаб қўйилмаган.

Рўзанинг моҳиятида Аллоҳ таолога итоат

қилишда сабрли бўлиш, ҳаром амаллардан сақланишда сабр этиш, очлик, ташналик, бадан ва нафс заифлигига сабр қилишдан иборат уч хил сабр мавжуд.

Рўзанинг яна бир фазилати шуки, бу ибодат соҳибини қалқон каби лағв ва бошқа турли беадабликлардан тўсиб туради. Жобирдан (розийаллоҳу анҳу) келтирилган ривоятда Набий (алайҳиссалом) айтадилар: “Рўза қалқондир, банда у билан дўзахдан сақланади”. Пайгамбаримиз (алайҳиссалом) рўзани қалқонга ўхшатиш орқали унинг инсоният учун қанчалик зарур қурол эканини билдирганлар, бу қуролни амалда қўллаш натижасида энг катта ва оғир мусибатдан — дўзахдан сақланишни маълум қилмоқдалар.

Рўза тутишда рўзадор учун икки қувонч мавжуд. Бири — оғиз очадиган пайтидаги қувонч, иккинчиси — Аллоҳ таолога учраганидаги қувонч. Аввалги қувонч Аллоҳ таоло неъмат қилиб берган ейиш-ичиш ва жимоъ қилиш амалларидан муайян вақт тийилганидан сўнг унга етишиш, ўша неъматлардан баҳраманд бўлиш хурсандчилигидир. Кейингиси эса, қиёмат куни дунё ҳаётида тутган рўзасининг ажр-мукофотини озгинагина савобга муҳтож бўлиб турган қийин бир пайтда тўлиқ ҳолда берилишини кўриш қувончи. Бундай қувончлар ҳаммамизга насиб этсин.

Бобомурод ЭРАЛИЕВ
тайёрлади.





Абдусалом Одил ўғли Умаров Самарқанд вилояти-нинг Нурота туманида туғилган. ТошДУнинг журналистика факултетини битириб, Ўзбек Совет қомуси тахририятида муҳаррир, Тошкент Давлат Педагогика институтида ўқитувчи, кафедра мудири, сўнгра Президент Девонида бош консультант бўлиб ишлади. 2002 йилнинг нўябр ойидан Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори. У адабиёт, таржима, маданиятшунослик масалаларига бағишланган икки монография, икки рисола ва кўплаб илмий-оммабоп мақолалар муаллифи, филология фанлари номзоди, Ўзбекистон кутубхоналар уюшмасининг раисидир.

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳим. Абдусалом ака, аввало, Миллий кутубхонанинг тарихи ҳақида қисқача сўзлаб берсангиз.

— Кутубхонамиз 1870 йил Халқ кутубхонаси номи билан

улар интернетдан текин фойдаланадилар.

— Ҳозир бу тизимда малакали кутубхоначилар, мутахассислар етарлими?

— Афсуски, йўқ. Абдулла

кўчаси 51-уйда бир милёнга яқин китоб сақланади. Китобхонларга хизмат кўрсатиш, нодир китоблар бўлимлари шу ерда. Китобларнинг катта қисми жойлашган Ҳадича Сулай-

Абдусалом УМАРОВ:

«ИНСОН КИТОБ БИЛАН

ташқил этилган. Дастлаб мингга яқин китоб жамғармаси бўлган. 1948 йили кутубхонага Алишер Навоий номи берилди. 2002 йили Республика Илмий-техника кутубхонаси, Миллий китоб палатаси ва бизнинг кутубхонани қўшиб, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ташқил этилди. Кутубхонамиз ҳозир ўн милён нусхадан ортиқ китоб жамғармасига эга.

— Кутубхонада қандай китобларга талаб, қизиқиш ортмоқда? Бу ерга қайси тоифа одамлари кўпроқ келишади?

— Кейинги йилларда тарих, ҳуқуқ ва этнография масалаларига оид китобларга талаб бирмунча кўпайди. Китобхонларимизнинг катта қисмини ёшлар ташқил этмоқда. Ҳозир кутубхонамизнинг учта интернет синфида эллик иккита кампютер ишлаб тургани ҳам китобхонларимиз сони ошувига сабаб бўлмоқда. Белгиланган вақтда

Қодирий номидаги Тошкент маданият институтининг “Кутубхона ахборот фаолиятини бошқариш” факултети республикамизда олий маълумотли кутубхоначилар тайёрлайдиган ягона даргоҳдир. Юртимизда ўн етти мингдан ортиқ кутубхона фаолият кўрсатади. Иститутни йилига олтмиш-етмиш мутахассис битириб чиқаётганини эътиборга олсак, бу жуда кам. Кутубхоначилар малакасини ошириш ҳам ҳозирча яхши йўлга қўйилмаган. Шу боис Миллий кутубхонамиз қошида замон талабларига жавоб берадиган махсус ўқув курслари ташқил этишни режалаштиряпмиз.

— Китобларнинг сақланиш ҳолатлари, уларни таъмирлаш ишлари қандай аҳволда?

— Энг оғриқли нуқтамиз ҳақида сўрадингиз. Ҳозир фойдаланаётган биноларимизнинг бирортаси кутубхона учун махсус мўлжаллаб қурилмаган.

Бош биномизда — Хоразм

монова кўчасидаги бинода эса китобларни иссиқлик, қуруқлик, ҳашоротлардан сақлаш учун хосланган, махсус бино лозим. Шундай, икки-уч жойда “сочишиб” ишлаймиз. Китобларни сўраганларга етказиб беришга қийналамиз.

— Пойтахтда аҳвол бундай бўлса, туман ва қишлоқ кутубхоналари ҳақида индамасак ҳам бўларкан-да?

— Ўзбекистон кутубхоналари уюшмаси раиси сифатида бунга бефарқ қарай олмайман. Очиғи, кўнгилдагидек эмас. Баъзи туман кутубхоналарига ҳатто кампютерлар ҳам етиб бормоган. Бинолари талабга мутлақо жавоб бермайди. Бир неча йиллардан бери янги китоблар вақтида бормай қўйган. Сурхондарё вилоятидаги кутубхоналар бир оз бўлса-да замон билан ҳамқадам. У ерда аксар туман кутубхоналари интернет тармоғига уланган.

— Ахборот воситалари кў-

пайган бугунги даврда жамиятда китоб, кутубхоналарнинг ўрни қандай бўлиши керак?

— Кутубхона маърифат маскани. Тараққиёт истаган мамлакат, комил бўлишни орзу қилган инсон кутубхонага интилади. Шу боис ҳам бутун дунёда унга эҳтиёж жуда катта. Қўшимча хизматларни айтмаса, кутубхоналарнинг деярли барчасидан фойдаланиш текин. Инсон илм билан илгарилай олади. Бугун Фарб давлатлари кутубхоналарида ахборот воситаларидан фойдаланиш юқори даражага чиққан. Бу ҳол қиротхоналарнинг янада гавжум бўлишини таъминламоқда.

тайдиган киши китобга мурожаат қилаверади. Оммавийлашаётган электрон китоблар ҳам росмана китоб ўрнини босолмайди. Лекин тан олиш лозим, кейинги йилларда кутубхонага бадий завқ истагида келадиганлар хийла сийраклашиб қолди. Кўпчилик муайян мақсад, ўз касби, илмий фаолият талаби юзасидан келадиган бўлди.

— Кутубхоналаримизнинг чинакам зиё масканлари бўлиши учун, сизнингча, нималар қилиш керак?

— Чинакам зиё маскани инсонга ўзлигини тўла англатормоғи, замонга мос маъно ва шаклга эга бўлмоғи лозим.

сей-коллежларнинг 1-босқич талабалари лотин ёзувидаги алифбога ўтганини ҳисобга олсак, бу етишмовчилик янада кучаяди.

Дарслик, ўқув қўлланмалари муз тоғининг кўриниб турган тепа қисми бўлса, инсон ақлий ва бадий салоҳиятини оширадиган адабиётлар тоғининг кўринмас, аммо кўринганига нисбатан бир неча бор катта ва кўп қисмини ташкил этади. Шундагина маърифатли кишини тарбиялаш ҳақида гапирса бўлади.

— Сир эмас, “маданийлик” ниқоби остида четдан кириб келётган турли хил салбий ҳолатлар халқимиз маънавий қиёфасига зарарли таъсирини кўрсатмоқда. Бунинг олдини олиш, сизнингча, қай йўл билан амалга ошади?

— Ахборот жамият аъзоларининг ижтимоий фаолиятини боғлаб турувчи воситадир. Унинг жамият ривожига ҳиссаси улкан. Лекин айнан шу ахборотдан тўғри фойдаланилмаса, таназулга учраш мумкин. Негаки, ахлоқий тубанликка етакловчи хабарлар интернет саҳифаларида, турли электрон манбаларда кўп учрайди. Четдан кириб келётган матбуот нашрлари ва китобларда ҳам бу офат тўлиб тошиб ётибди. Бу нарса одоб-ахлоқ борасидаги асрий анъаналарнинг бузилишига олиб келади. Шунинг учун, айниқса, ёшларимизни ундан муҳофаза қилишни ўйлайлик. Зиёлилар, ухровий илм эгалари кўмагида таълим муассасаларида, жамоат жойларида турли тадбирлар ўтказиш, беҳаёлик, зўравонлик каби иллатларнинг салбий оқибатини тушунтириш лозим. Ахборот танлаш борасида кутубхоначиларнинг малакасини ошириш, уларни янги замон талаб ва таклифлари муҳитида хизмат кўрсатишга тайёрлаш керак.

Рустам ЗОИР
суҳбатлашди

ИЛГАРИ КЕТАДИ»

Яқинда Малайзияга бордим. Малайзия Миллий кутубхонаси, султонлик кутубхонаси фаолияти билан танишдим. Кутубхона бинолари жуда чиройли, юксак даражадаги қулайлик ва имкониятларга эга, ҳавасингиз келади. Фойдаланиш текин. Қишлоқ кутубхоналари ҳам интернетга уланган. Шу сабаб жамиятда кутубхоналарнинг ўрни сезиларлидир. Ахборотга бўлган эҳтиёжларни кутубхона тўла қондира олади.

— Айримлар ўқишга бўлган қизиқиш сусайганини замонавий технологиялар оммавийлашаётгани билан изоҳласа, кимдир бозор иқтисодиётига боғламоқда. Сиз нима дейсиз?

— Мен техника тараққиёти китоб ўқишга тўсқинлик қилади, деган фикрга асло қўшилмайман. Кампютер, интернет тезкор замонга маҳсули. Аммо бу дегани тараққиёт китобдан бездиради дегани эмас. Ҳақиқий маънода илм, бадий завқ ис-

Малайзиядаги каби чиройли, кўркам биноларда илғор тех-



нологиялар билан таъминланса, мунозара-муҳокама ва анжуманлар ўтказиш имкониятига эга бўлса, қандай яхши.

— Ислоҳ зарур демоқчисиз, шундайми?

— Ҳа, бунинг қишлоқ ва мактаб кутубхоналаридан бошлаш лозим. Мактаб кутубхоналаридан фақат дарсликларнигина топиш мумкин. Ўқувчининг дунёқараши кенгайтирадиган маърифий-бадий адабиётлар жуда кам.

10-синф ўқувчилари ва лит-

Д У С Т Л И К



МУҲАББАТДАН БОШЛАНАДИ

Исломда биродарлик мўмин-мусулмонларнинг бир-бирларига хайрхоҳлиги, дўстлиги, севгиси, ҳамкорлиги, ёрдами демакдир. Аллоҳнинг амри ўлароқ мусулмонларга ато этилган илоҳий неъматдир. Аллоҳ таоло марҳамат этади: **“Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир”** (*Хужурот, 10*); **“Мўмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар. Улар яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтардилар”** (*Тавба, 71*); **“Аллоҳнинг сизларга берган неъматини эсланг: бир-бирингизга душман бўлган пайтларингизда дилларингизни ошно қилиб кўйдю сизлар Унинг неъматини сабаб биродарларга айландингиз”** (*Ол-и Имрон, 103*).

Имом Абу Ҳомид ал-Ғазолийнинг “Ихё улу-миддин” асарида ёзилишича, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Баъзи амаллар ибодат шаклида бўлмаса ҳам, савоби жуда кўпдир”. Масалан, намоз шаклий ибодат саналади: таҳорат олиб, қиблага юзланамиз, “Аллоҳу акбар” деб бошлаймиз, руку, сажда қиламиз ва эвазига савобга эришамиз. Аммо мусулмоннинг ўзаро биродарлиги каби маънавий ибодат ҳам борки, у улкан савобларга эриштиради. Инсонларнинг дин қардошлиги, дўстлиги ва севгиси бўлмас экан, бундай жамият жуда тез хароблик ва таназзул чоҳига кетиши аниқ.

Саодат асри бу борада энг ибратли замон эди.

Эсга олинг: саҳобийлардан Каъб ибн Молик узрсиз Табук ғазотига боришдан қолиб кетади. Бу иши катта жиноят эди. Шунинг учун Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) Каъб ибн Молик ва яна икки кишидан қаттиқ ранжийдилар. Уларнинг ҳукмини Аллоҳга ҳавола этиб, асҳобга улар билан сўзлашмасликни буюрадилар. Бу ҳол икки ой давом этади. Ниҳоят, Аллоҳ таолодан ваҳий нозил бўлиб, уларнинг гуноҳи кечирилгани, тавбалари қабул бўлгани эълон этилади. Шунда биродарлари қанчалик қувонишади! Бири отлиқ, бири пиёда — икки биродари бу муждани Каъбга етказишга ошиқади. Қаршисидан чиққанлар эса, худди ўз жиноятлари афв этилганидай, уни бағриларига босишар, табриклашар эди.

Ёхуд асҳоби суффа билан боғлиқ воқеаларни ёдга олинг: аҳли суффа ҳовли-жойи, моли ва егулиги, ҳатто тузукроқ кийими бўлмаган саҳобийлардан иборат эди. Ҳамиша оч яшашарди, тунда масжиднинг бир бурчида мизғиб олишарди. Аммо имонлари, дин ғами кучли эди, ўзаро биродарликлари тилларда зарбулмасал бўлиб кетган. Битта хурмони кўпинча ўнлаб киши бўлиб ерди. Шеригимга етмай қолмасин, дея ҳали мазасини тотиб улгурмай, биродарига узатарди. Расулulloҳ ўзига тўқроқ саҳобийларга суффа аҳлидан ўн, йигирма ёки ўттиз нафарини таомлантиришни юклардилар.

Хўжайинининг қаттиқ қийноқ-азобларига жавобан фақат “Аҳад, Аҳад” (Аллоҳ яғонадир) деб имонидан кечмаган Билол Ҳабашийни Абу Бакр Сиддиқ сотиб олиб, қуликдан ва хўрликдан озод этишлари ҳам ана шундай биродарликнинг бир кўриниши эди.

Мадиналик ансорларнинг маккалик муҳожирларга кўрсатган меҳр-муҳаббатлари-чи! Асҳобнинг бир-бирларидан молларини, таомларини, ёрдам ва маслаҳатларини қизганишмагани ҳам, бир-бирларига насиҳат қилиб, ҳидоятга чорлашгани ҳам, Ҳамиша ҳамкорликка тайёрликлари ҳам шу муҳаббатдан эди.

Шўроларнинг узоқ йиллик истибдоди мусулмонларимизни ана бу неъматдан йироқлаштирди, ҳатто у ришталарни узиб юборди. Биродарлик руҳига раҳна солди. Яъни, бир-бирларига гиж-гижлади, фитна ва нифоқни урчитди. Оқибати аянчли, аламли бўлди: меҳр-оқибат мезонлари бузилди, қарашлар ўзгарди, тушунчалар беғоналашди. Энди бир диндаги, бир ақидадаги бир миллатнинг фарзандлари бир-бирига ғаним, ёв. Бир-бирига нафрати, ғазаби, ҳасади қайнаб тошган. Қараб турасизу, асл душманларини ҳам шунчалик ёмон кўрмаса керак, деб ўйлайсиз.

Абдуллоҳ ибн Умардан (розийаллоҳу анҳу)

ривоят қилинади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай дедилар: “Мусулмон мусулмон кишининг биродаридир. Унга зулм ҳам қилмайди, биродарини душманга ҳам топшириб қўймайди. Ким биродарининг ҳожатида бўлса, Аллоҳ ҳам унинг ҳожатида бўлади. Ким мусулмондан ғам-ташвишни кетказса, Аллоҳ таоло уни Қиёмат ғам-ташвишларидан халос этади. Ким мусулмоннинг (айбини) бекитса, Аллоҳ таоло Қиёмат кунида унинг ҳам (айбини) бекитади” (*Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари*).

Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мусулмон мусулмон кишининг биродаридир. Унга хиёнат қилмайди, ёлғон сўзламайди ва ёрдамсиз қўймайди”, дедилар (*Имом Термизий ривояти*).

Яна Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй Аллоҳнинг бандалари, биродар бўлинглар. Мусулмон мусулмон билан ака-укадир. Унга зулм қилмайди, ҳақир санамайди ва хўрламайди. Тақво бу ерда” (деб қалбларига уч марта ишора қилдилар). Яна: “Мусулмон биродарини ҳақир санамоғи унинг ёмонлигига кифоя қилади. Ҳар бир мусулмонга бошқа бир мусулмоннинг қони, моли ва обрўига тажовуз қилмоғи ҳаромдир”, дедилар (*Имом Муслим ривояти*).

Анасан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ўзи учун яхши кўрган нарсани биродарига раво кўрмагунча комил мўмин бўла олмайди”, дедилар (*Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари*).

Исломий дўстлик, ўзаро муҳаббат ҳақида салафларимизнинг, машхур уламоларимизнинг сўзлари ҳам жуда ибратли.

Муҳаммад ибн Юсуф шундай деганлар: “Солиҳ диндош қардошинг ва дўстингга доимо ёрдам қил. У сенга ворисларингдан кўра яхшироқ. Зеро, у сени чин кўнгилдан дуо қилади, сен ўлгангдан кейин ҳам сени унутмайди. Ҳатто унинг дуолари баракоти ила гуноҳларингдан қутулишинг мумкин. Ворисларинг эса молларингни ўз ораларида тақсим этиб бўлгач, сени унутадилар”.

Ислом динининг талаби шундай экан, нега бизлар бу исломий анъаналаримиздан бунчалик узоқлашиб кетганмиз? Бир-биримиз билан дўстлашиш, ака-ука тутиниш, қон-қардошлик ришталарини боғлаш ўрнига ганим фитнасига учиб ёки арзимас манфаатлар учун ёвлашамиз, ўқрайишамиз, энг даҳшатлиси, бир-биримизни жисман ёки руҳан маҳв этишгача борамиз? Ваҳоланки Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Мўмин бўлмагунингизча жаннатга кира олмайсизлар,

бир-бирларингиз билан дўстлашмагунча мўмин бўла олмайсизлар”, деб таълим берганлар (*Имом Муслим ривояти*).

Расули Ақрамнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсатмаларига бўйсунган ҳар бир мусулмон бошқа диндошларини дўст тутати, уларга ҳамшиша ёрдамга ошиқади, ҳурмат-эҳтиром кўрсатади, шариат талабларига кўра муносабатда бўлади. Исломда дўстлашиш, дўст топиш ва бу дўстликни мустаҳкамловчи йўриқларга ташвиқ бор. Янги дўст орттиринг, мўминлар билан биродарлашинг, зиёфатга чорланг, ҳадялар беринг, касаллигида зиёрат қилинг, муҳтожлигида ёрдам кўрсатинг, деган даъватлар шулар жумласидандир. Билинги, “янги бир мўмин билан дўст бўлган мусулмоннинг даражасини Аллоҳ жаннатда бир даража юқори кўтаради”, деб марҳамат этилган.

Нўмон ибн Баширдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мўминларнинг бир-бирларига дўстликлари, раҳмли бўлишлари ва меҳрибонликлари худди жасадга ўхшайди. Агар ундан бирор аъзо оғриси, жасаднинг бошқа (аъзолари) бедор бўлиб, иситмага мубтало бўлади”, дедилар (*Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари*).

Абу Ҳурайрадан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Бир киши бошқа бир қишлоқдаги биродарини зиёрат қилди. Аллоҳ таоло унинг йўлига кузатувчи қилиб бир фаришгани юборди. Фаришта унинг олдида келиб: “Қаерга боришни хоҳлайсан?” деганида, ҳалиги киши: “Мана шу қишлоқдаги биродаримникига”, деди. Фаришта: “Сенинг унда топшириб қўйган бирор мол-мулкнинг борми?” деб сўради. У: “Йўқ, лекин мен уни Аллоҳ йўлида яхши кўраман”, деди. Шунда фаришта: “Мен сенга юборилган Аллоҳнинг элчисиман. Албатта, Аллоҳ сени худди (биродарингни) яхши кўрганингдек яхши кўради”, деди (*Имом Муслим ривояти*).

Муоздан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло: “Менинг азаматим учун бир-бирларини дўст тутувчиларга нурдан бўлган минбарлар берилади. Уни кўрган набийлар ва шаҳидлар ҳавас қилишади”, деб марҳамат этди”, деганларини эшитдим” (*Имом Термизий ривояти*).

Дўстлик муҳаббатдан бошланади. Бир-биримизни яхши кўрайлик, айбларимиз бўлса, Аллоҳ учун кечирайлик. Зеро, ҳар қандай айб, агар у Аллоҳга исён кўринишида бўлмаса, кечирилдан ва дўст тутинишдан тўса олмайди.

Аҳмад ТУРСУН

ИСЛОМ ДИНИМИЗ БАРҲАҚ

Нега шундай бўлиб қолдик?

Ёшим ўн тўққизда. Аммо Ислום динимиз ҳақида бир тушунчага, билимга эга эмасман. Бунга мен униб-ўсаётган муҳит сабабчидир балки.

Қишлоғимиздан кўплар тўғри имон-эътиқоддан узоқлашмоқда. Мен бу одамлар қиёфасида маънавий қашшоқликнинг жуда хунук манзарасини кўраман.

Аксар ёшларимизнинг онги насронийликнинг турли йўналишлари, хусусан, “Яҳве шоҳидлари”, “Эллик икки кунлик Масих”чилар таъсирида шаклланмоқда. Улар ҳатто ибодат учун Тошкентдаги черковларга боришади. Энг ачинарлиси, яшаш тарзлари ҳам аста-секин шу эътиқод асосига қурилмоқда.

Яқин дўстларимдан бир нечаси мени ҳам даъват қилишди. Аммо катталардан эшитганим, баъзи китобларни ўқиганим сабаб бўлиб, мен мусулмон эканимни, Ислום динимиз барҳақ, охириги мукамал дин эканини айтиб, уларни рад этдим.

Нега биз ҳақ динимизни шундай ёт оқимлардан муҳофаза қилолмаймиз? Динимизга улар каби эҳтиром кўрсатолмаймиз. Нега шундай бўлиб қолдик?

Абдуҳалим ХУДОЙҚУЛОВ,
Сариосиё

От изини той босар

Форишнинг тоғли бир қишлоғида яшайман. Бу ерда кўплаб ибратли зотлар яшаб ўтган. Мана шундай зотлардан бири Мавтон сўфи

бўлиб, ёшлигиданоқ имон-эътиқоди, тақводорлиги билан танилган экан. Қишлоқнинг уста дурадгорларидан бўлган Мавтон сўфи мустабид тузум даврида ҳам эътиқоидида собит турган. Ўша кезлар Самарқанд вилоятига қарашли қишлоқ масжидларига гоҳ пиёда, гоҳ эшакда, юз чақиримча йўлни босиб, жума намозига бораркан. Ҳаж зиёратини ният қилиб, бир неча бор сафарга отланган, аммо йўл тополмай, қайтган экан.

Мавтон сўфи умрининг сўнгги онларида фарзандларига қишлоқда масжид қуришни, ҳаж зиёратига боришни васият қилади.

Юртимизда мустақилликнинг илк шабадаси эсан кезлардаёқ Мавтон сўфининг ўғли Исмоилхон қишлоқда масжид қуриш учун жидду жаҳд ила ҳаракат қила бошлади. Ни-

ҳоят, 1999 йили, бир қанча қийинчиликларга қарамай, қишлоқда масжид қад кўтарди.

Бугунга келиб, масжид одамлар билан гавжум. Жума кунлари оқиб келаётган халойиқни кўриб кўзинг янада қувнайди...

Халқимиз: “От изини той босар”, дейишади. Дарҳақиқат, Мавтон сўфининг ушалмаган орзуларини бугунга келиб ўғли Исмоилхон ҳожи гоят чиройли тарзда рўёбга чиқарди.

Алибой ХОЛИҚОВ,
Фориш

Бойлик изтироби

Менга бой-бадавлат, беташвиш, ғам-андухсиз бир аёл деб қарашади. Бу ҳолатни, айниқса, одамлар билан бўлган давраларда, суҳбатларда яққол сезаман.

Аммо ҳаётим улар



ўйлаганчалик гўзалми-кан?! Улар айтганидек, тўла-тўкис “бахт” берган ўша бойлик беташвиш ҳаётни ҳада этолмайди.

Аслида, мана шу бойлик кетидан оилада не-не совуқчиликлар, уруш-жанжаллар ўтмади дейсиз. Қариндош-уруғлар ўртасида айрим бўлмагур гаплар ҳам шу бойлик кетидан чиқди. Мени оёққа турғазиб, шу даражага етказган тоғамни ҳам менсимай қўйдим.

Бир пайтлар суйган, унингсиз тонгим отмаган оилам билан ҳам зиддиятлар, келишмовчиликлар шу пул кетидан чиқиб, ажрашувимизга сал қолди. Эртаю кеч пул топиш умидида елиб-югуришлар фарзандларни тарбиядан мархум қилди. Гоҳида уларнинг ахлоқидан ўзим ҳам озорланаман. Билмадим, бу болаларим улғайса ким бўлади?! Жамиятда қандай ўрин топишади?

Биласизми, нимани орзу қиламан. Дунёнинг ташвишларини бир ёнга суриб қўйиб, сув сепилган шинамгина ҳовлида ширин-ширин овқатлар пишириб, оилам, фарзандларим бағрида роҳатланиб яшагим келади. Аёл учун муҳими ҳам шу бўлса керак...

Муниса,
Кўжон

Муллабуванинг ўғитлари

Бир дўстимнинг уйланганига ҳали бир йил

тўлар-тўлмай хотини дардга чалинди. Дўхтирлар юрак хасталиги ташхиси қўйишиб, даволашди. дори-дармонлар наф беравермагач, дўстим баъзи қарияларнинг маслаҳати билан қишлоғимизда тақводор муллабувага учрашди. Муллабува аёлда ҳеч қандай жисмоний касаллик йўқлигини айтиб, чиройли таҳорат билан беш вақт намоз ўқишни, доим Куръон тиловат қилиб туришни қаттиқ тайинлади.

Бу кўрсатмалар дўстимнинг ҳидоят кўчасига киришига сабаб бўлди. У гуноҳ ишларининг касри аёлимга урган деган шубҳада қийналиб яшарди.

Муллабува унинг тавба қилиши зарурлигини, Аллоҳ тавбаларни қабул қилгучи Буюк Зот эканини оятлар билан тушунтириб берди.

Шу сабаб бўлиб, дўстим умрининг шу лаҳзасидан эътиробан муллабуванинг ўғитига биноан иш кўрди. Аллоҳнинг инояти билан хаста аёли ҳам соғайиб, касб-корига, рўзгорига барака кирди...

Рухиддин
АКБАРОВ,
Қариш

Туғ тикилган тут

Қишлоғимизда қулочга сифмайдиган баҳайбат бир тут дарахти бор. Ота-боболарнинг анча-мунча кечмишларига гувоҳ бўл-

ган бу тутнинг қачон ўтқазилганини билай деб кексалардан суриштирдим. Қаранги, дараги чиқиб қолди. Абдураззоқ бобо Ҳамро ўғлининг ҳикоя қилишича, 1922 йили Дўрманда жомеъ масжиди қуриб битказилади. Уста Дўст ва уста Латиф тамонидан бежирим ишланган устунлар, нақшинкор пештоқ ҳар кўрганнинг таҳсинига сазавор бўлади. Кармана йўлидаги тегирмонларнинг эгаси ўша йили ҳаж ибодатини ўтаб қайтган Жўра ҳожи (Абдураззоқ бобонинг бобоси) қурувчиларининг озиқовқатини таъминлаб туради.

Масжид қурилиши битгач, ёнига туғ кўтариш лозим бўлган. Туғни эса нимагадир қотириб қўйиш керак эди. Шунда анча вақт олдин кўпориб ташланганча қуриб ётган тут танасини ҳовлидаги тепаликка ўрнатиб, туғни ўшанга тикиб қўйишади.

Вақтлар ўтиб қари тут кундасидан яна кичик новда кўкариб чиқади. Бугун у қулочга сифмас улкан дарахт бўлган.

Шойим
ШЕРНАЗАР,
Кармана тумани,
Дўрман қишлоғи



ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Ислоҳотга чақириқ

Халқаро Ислom уни-
верситетлари лигаси
Ислom Конференсаси
Ташкилоти (ИКТ)нинг
мақомини ўзгартириш,
халқаро ҳаётнинг иқти-
содий, сиёсий ва мада-

ний соҳаларидаги ролини ошириш масаласини кўтарди. Лига бош котиби доктор Жаъфар Абдус-саломнинг фикрича, араб ва мусулмон дунёсида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабат борасида ИКТ сезиларли фаолият юритмаётир.

Мусулмонларни бирдамликка чақириш, мусулмон мамлакатларнинг яқин ҳамкорлиги йўлидаги говларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ташкилотга аъзо давлатларнинг иқтисодий муносабатларини мустаҳкамлаш, уларда қонунчиликни ягона асос — шариатга мувофиқлаштириш борасида ИКТ янада муҳим ишларни амалга ошириши мумкин эди, деди Абдуссалом.

IINA

Роҳиблар Ислomни танлашди

Бутунжаҳон мусулмон ёшлар ассамблеяси маълумотига кўра, сўнгги уч ой ичида Филиппинда ўтгиз бир киши Ислom динини қабул қилди. Улардан ўн уч нафари маҳаллий насроний роҳиблардир.

Ассамблея вакиллари янги мусулмонлар учун Котато шаҳрида махсус йиғилиш ўтказдилар. Биринчи галдаги вазифа сифатида Филиппинда янги масжид очилди. Жума кунлари бу ерда уч юз нафардан ортиқ намозхон ибодат қилади.

Saudi Press Agency

Чувашистонда мадраса

Чувашистон Республикасининг Шигирдони қишлоғида янги “Гулистон” мадрасаси илк талабаларни қабул қилиш учун тайёргарлик кўрмоқда. Мадраса Русия ММДБ қошидаги Ризоуддин Фахрид-

дин номли Русия Ислom университетининг шохоб-часи ўлароқ фаолият бошлайди. Шунингдек, мадрасада имомлар ва республика диний бошқармаси ходимларининг малакасини ошириш курслари ташкил этилади.

Русия Ислom университети бундай мадрасалар учун исломий билимларга эга юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ишларини бошлаб юборган.

Regnum.ru

Рамазонга тайёргарлик



Британиянинг “Машъал” радиоси кенг омма учун мўлжалланган эшиттиришлар билан муборак Рамазон ойининг биринчи кунидан эфирга чиқишга тайёргарлик кўрмоқда. Бир ой

давом этадиган махсус эшиттиришда Олдхем мэри ва Покистон бош элчиси Салоҳиддин Чоқухри қатнашиши режалаштирилган.

Ўтган йилги Рамазон ойида радиостанса янгиликлар билан бирга, Ислomда таълим, саломатлик, уй-рўзғор ва никоҳ масалаларига оид савол-жавоблар ҳам уюштирган эди. Булардан ташқари тўғридан-тўғри эфир орқали турли хил танловлар ўтказилди.

Радиостанса бош директори Маҳбуб Какрви иқтидорли кишиларни бу йил ҳам танловларда куч сынаб кўришга чақирмоқда.

Oldham Evening Chronicle

Ливерпулда тижорат палатаси

Тез орада Ливерпул Буюк Британиядаги мусулмон тижорат палатаси фаолият юритаётган биринчи шаҳарга айланади.

Маҳаллий етакчи мусулмон тадбиркорларнинг айтишича, уларнинг бу хусусий палаталари баъзи сабабларга кўра Ливерпул тижорат палатасига киролмаётган майда фирмаларга қўшимча имкониятларни туғдирар экан. Мусулмонлар тижорат палатаси Ливерпул тижорат палатаси ва Буюк

Британия тижорат палатаси билан доимий алоқада бўлиб туради. Унинг мақсади мусулмонларни Британия иқтисодиёти доирасидан четга суриш эмас, аксинча, улар учун мамлакат савдо тизими, хусусан, кичик бизнес корхоналари билан боғловчи кўприкларни барпо этишдир.

The Muslim News

Сўровлар натижасига кўра

Амриқо-Ислом муносабатлари кенгашининг (CAIR) араблар иши бўйича вакили Алаа Байумий билдиришича, АҚШ аҳолисининг деярли ярми арабларга ва мусулмонларга ижобий муносабатда бўлиб, энг оғир дақиқаларда ҳам уларни қўллашга тайёрдир. Қўшма Штатларда жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ўтказилган турли сўровлар асосида шундай хулосага келинди.

Маълумотларга мурожаат қилинса, амриқоликларнинг 40 фоизи мусулмонларни қўллаб-қувватлайди, 40 фоизи уларни ёқтирмайди ёки мусулмонларга нисбатан салбий муносабатда, қолган 20 фоизи бу хусусда аниқ бир тўхтамаган. Кўпчилик Ислом ва мусулмон маданияти ҳақида билишни хоҳлайди, дейди Байумий.

2001 йилнинг ўртаберида мусулмонларга ижобий муносабатда бўлган амриқоликлар 47 фоизни ташкил этар эди, 2003 йил сентябрда бу кўрсаткич 39 фоизга тушиб қолгани кузатилди.

ИНА

Ҳожилар сони кўпаяди



Бу йилги ҳаж мавсумида Русия тўққиз минг мусулмонни ҳажга юбориши мумкин. Ўтган йили ҳожилар сони беш ярим минг киши эди. Русия муфтийлари кенгаши матбуот хизмати шундай маълумот берди.

Ҳаж ишлари бўйича Русия Кенгаши вакиллари Саудия Арабистони ҳукумати билан ҳаж сафари масалаларини

муҳокама қилишди.

Ҳозирча ҳожилар сони нима ҳисобидан бунчалик кўпайиши ҳақида бир нарса дейиш қийин. Лекин шуниси аниқки, ҳажга йўлланмалар нархи мунтазам ошиб бормоқда.

“Интерфакс”

Япония элчисининг айтганлари



Япония мусулмонлари сони юз минг кишига етди. Ал-Азҳар шайхи Муҳаммад Саид ат-Тантовий билан бўлган учрашувда Япониянинг Мисрдаги элчиси жаноб Явуу бу ҳақда билдирди. Мусулмон-

ларнинг 90 фоизи келиб чиқиши япон бўлмаган аҳоли ҳисобланади. Элчининг айтишича, кунчиқар ўлкада мусулмонларнинг виждон эркинлиги тўлиқ таъминланган, ҳеч қандай чеклаш ёки таъйиқларга йўл қўйилмайди.

Ҳозирги кунда Японияда 25 масжид, 200 намозхона ва юздан ортиқ исломий ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатдаги биринчи мусулмон жамоалари XX аср бошида ўртабери тўнтаришидан кейин собиқ Русия империясидан кўчиб ўтган муҳожирлар ҳисобига пайдо бўлган эди.

80-йиллар Япониядаги иқтисодий юксалиш кўплаб ишчи кучи ва мутахассисларни жалб этди. Келганларнинг асосий қисми мусулмонлар бўлди.

Учрашувда Токиода ал-Азҳарнинг бўлимини очиш, шунингдек, Япониядан ал-Азҳарга талабалар юбориш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Сўнги вақтларда Япония эътиборини кўпроқ мусулмон дунёсига қаратган. Кунчиқар юртининг асосий ҳамкорлари Яқин Шарқ давлатларидир.

ИНА

Шаҳзоданинг баёноти



Шаҳзода Талол ибн Абдул Азиз “Elaph.com онлайн” нашрига берган интервьюсида: “Саудия Арабистонида шарият асосида иш юритилса-да, у диний давлат ҳисобланмайди”, дея маълум қилди.

— Саудия Арабистони қироллиги амалга оширилиши зарур бир қанча халқаро битимларга қўл қўйган, — дейди шаҳзода. — Халқ ҳам, ҳукумат ҳам ислохотлар ўтказиш тарафдори. Лекин бу иш мутаассиб ва либераллар ўртасида жиддий муаммолар келтириб чиқаришини унутмаслик лозим. Ҳуқмрон доиранинг биринчи муҳим вазифаси улар билан муроса йўлини топишдир.

Портал-Кредо



фон, дурустлик каби яхши сифатлари учунгина севилиши керак. Бойлик севгига сабаб бўла олмайди. Бирон бой киши бу ҳадисни ўқиса, ҳеч кимни миннатга қўймайди. Чунки у ўзи кўрсатган яхшиликлари, қилган эҳсонлари учун ҳаддан ташқари ҳурмат кутмайди. Акс ҳолда, қарши томоннинг шараф ва номуси ёнида дини билан ҳам ўйнашган бўлади.

Буларни нима учун ёзаётганимни озми-кўпми тахмин қил-

қотириб юрган кунларим бир ояти карима маъносининг таржимасига дуч келдим. Нисо сура-сининг 117-ояти (таржимаси)да шундай дейилади:

«Улар Аллоҳни қўйиб, фақат санамларга сигинадилар ва фақат итоатсиз шайтонга сигинадилар».

Оятнинг тафсирида Аллоҳга шерик келтирган бир кимсанинг руҳида энг буюк ғоя бўлиб «аёл» жой олгани кўрсатилибди ва бундай дейилибди: «Баъзи эркаклар аёлларга қийматидан ҳам баланд бир мақом берадилар. Натижада инсоннинг дунёга келиш ғояси «Аллоҳга ибодат қилиш» эмас, балки (Аллоҳ сақласин) «аёлга сигиниш» деб гумон қиладилар».

Бунга араб мушрикларининг санамларига аёл исмларини қўйганларини очиқ далил деса бўлади. Ва яна, юнон ва шунга ўхшаш бир қанча бутпараст халқлар бут-санамларининг аёл экани маълумдир.

Бу ҳолат аёлга ҳақиқатан ҳам қиймат берганларидан эмас, аксинча, масаланинг ичида Аллоҳ ҳузуридан қочиш, Унга ибодат қилишдан юз ўгириш ётибди. Агар бундай бўлмаганида эди, аёллардан бутлар ясаб, уларга сигинган ўша қавмлар айни замонда аёл зотига энг буюк зулмларни қилмаган бўлардилар. Тафсирлардан бирида ёзилган «Иддиога қарасанг, аёл ҳар нарсадир, амалда эса, ўйинчоқларнинг энг тубанидир», деган жумлалар уларнинг аёлга асл муносабатларини қандай гўзал ифода этибди.

Аёлнинг асл мақомидан (даражасидан) тушириб, унга сигинадиган даражада боғланган инсонлар, ҳақиқатда шайтоннинг найрангига учаётганларини ва бу ҳоллари билан шайтонга сигинаётганларини ояти карима жуда тўғри ифодалаб қўйган.

Орадан қанча йиллар, қанча асрлар ўтган бўлишига қарамай, шайтон яна ўша шайтондир, нафс яна ўша нафсдир. Ҳамма замонларда бўлганидек, бугун ҳам нафсига асир ва шайтонга

СЕВГИ НИМА?

Еттинчи мактуб

Мавзуни бир оз чўзиб юбордим шекилли. Асл мақсадимизга келайлик.

Ўтган мактубларимда жинсиёт мавзуида бир оз суҳбат қилган эдик, бугун ҳам ўша мавзунинг бошқа бир тарафини гапласак-да, яна севги тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсак. Илк боқишда мавзуимизга алоқаси йўқдек кўринган бир ҳадисга эътиборингни тортмоқчиман: «Ислом динини қабул қилган бир киши бирон-бир шахсга бойлиги учун ҳурмат кўрсатса, динининг учдан иккиси кетади».

Ислом тавҳид динидир. Бу коинотнинг соҳиби ва молики ягона Аллоҳдир. Ҳар қандай хайрли ишлар Унинг хазинасидадир.

Исломиёт нур учун қуёшга, бугдой учун далага ва давлати учун бойга улар лойиқ бўлмаган даражада миннатдор бўлмасликни ўргатади. Ҳамма ва ҳар нарса фақатгина бир сабаб, холос. Бугун неъматлар Ер ва Самонинг Рабби бўлган Аллоҳдандир. Бу дарсни олган бир камбағал-фақир ризқ-насибасини «у» бераётгандай бирон бойга ҳурмат кўрсатса, тавҳид ишончи, яъни, Аллоҳни бир деб қабул қилиш эътиқоди зарарланган бўлади.

Бой бўлсин, камбағал бўлсин, ҳар бир инсон, аввало имон, кейин эса ахлоқ, фазилят, илм, ир-

гандирсан. Майли, масалани яна ҳам равшанлатай: бир ёш қиз виждон, қалб ва ақл жиҳатидан бўлмаса ҳам, ҳис оламида бир йигитнинг фақат уни ўйлашини, унинг ақлу хаёлида доим ўзи бўлишини, ҳатто ўзига ёлворишини истайди. Нафси бу ҳолдан лаззат олади, роҳатланади. Куч ва қувват тарафидан ундан устун бўлган йигитнинг унга ёлворишидан, у йигитга ўз ҳукмини ўтказа олишидан нафсоний завқ олади. Аммо у ўзининг (Аллоҳ сақласин) бир «шерик», қаршисидаги йигитни эса «мушрик» ҳолига келтириш йўлига кирганини билмайди. Бунда қабоҳат у бечоранинг ўзидагина эмас. Уни бу ҳолга келтирган ҳам эркаклардир; эркаклигини унутган, бандалигидан ғофил, эрмак учун бир баҳона қидирган ва энг таъсирли ғафлат воситаси ўлароқ шаҳват ва аёлни танлаган шаҳватпараст эркаклар...

Узоқ йиллар шу қаноатда бўлиб келдим. Аммо бу қаноатим ичида бир савол ҳам бор эди: «Ажабо, ҳақиқатан ҳам буларнинг барига эркаклар сабабчими-кан?» Ўтган кунларда буюк бир олимнинг китобидан ўқиганим шу сатрлар қаноатимни янада қувватлантирди: «Эркакларнинг хотинлашиши аёлларнинг эркаклашиши натижасини берди», дейди олим. Шулар ҳақида бош

ўйинчоқ кўпчилик эркаклар энг қулай гафлат воситаси қилиб яна аёлни танлашган...

Рухларда яра очувчи бу ҳолатни ҳозир изоҳлаш мавриди эмас, деб ўйлайман. Баҳсни шу ерда тўхтатиб, сенга севги ҳақида ҳам бир-икки сатр ёзмоқчиман.

Ажабо, севги нима ўзи, деб ҳеч ўйлаб кўрдингми? Инсон қалбига бу олий сифатни ким ва нима учун жойлаштирган? Инсон кимни қай даражада севса, бу олий ҳиссини ўз ерида ишлатган ва исроф қилмаган бўлади?

Шу чекланган инсон танига, севгиси ва кўрқуви, умид ва орзулари чексиз бўлган маънавий бир қалб жойлаштирилган. Бу қалбни маънавий қалб деганимиз, ҳар ҳолда, қаерда жойлашган деган савол туғдирмас, албатта. Бордию шундай савол сўралса, ақл миянинг қаерида ишлаётган бўлса, маънавий қалб ҳам баданнинг ўша жойида иш кўрапти, деб жавоб берарсан.

Кўриш, эшитиш, ҳидлаш ва ҳатто тушуниш ҳар бири айри бир каналдир. Буларнинг энг соф мевалари, яъни, сўнг маҳсуллари қалбга тўпланишдадир. Масалан, гўзал бир манзарани кўрган инсон уни дарров севади. Бу севги учун у ақлига мурожаат қилмайди. Яъни, «Бу манзара гўзалдир, севишга лойиқдир. Шундай экан, уни севишим керак!» деган қарорга келиб олиб, кейин севишга бошламайди. Манзарани кўрган заҳотиёқ унга ёқиб тушиб, қалби ўша томон йўналади. Бунда севги кўз орқали қалбда порлади. Инсон булбулнинг хуш овозини ҳам севади. Бу нда севги қулоқ воситасида қалбга кириб келди. Худди шундай, англаш (идрок этиш) ҳам севги василасидир. Масалан: яхши бир китоб ўқисак, унинг ёзувчисига нисбатан қалбимизда бир боғлиқлик, бир муҳаббат ҳосил бўлади. Бунда севгига англаш, яъни, ақл восита бўлмоқда. Демак, қалб ақлдан ҳам кенгроқ бир доира, ҳатто унинг қўмондонидир...

Инсон руҳи камолотдан, эҳ-

сондан, гўзалликдан хабардор, томоша ҳаққини бера оладиган бир руҳдир. Қалби эса, буларнинг ҳаммасини сева оладиган қалбдир. Шундай экан, буни бундай тушунишимиз керак эмасми: яъни, бизга кўз неъматини берган зот оламини севириб, Уни билишимиз ва Унга (Аллоҳга) муҳаббат қўйишимиз учун коинотни гўзалликлар билан тўлдирди: бизга қулоқ неъматини бахш этган Раббимиз тинглаб, тафаккур қилишимиз ва у хуш овоз, садолар оламининг яратувчисини топишимиз ва севишимиз учун бу оламини ҳар хил гўзал овозларга тўлдирди. Айни замонда, бизларга ақл неъматини лутф этган Холиқимиз бу коинот китобини ўқишимиз ва ундаги нарсаларнинг яратувчисини топиб, унга муҳаббат қўйишимиз учун шу коинотни атомидан ҳужайрасигача, майсалардан юлдузларгача бўлган ниҳоясиз маъноларга тўлдирди. Буларнинг ҳаммасини бир четга суриб қўйиб, булар ҳақида ўйлашни ҳам ўзига лойиқ кўрмай, қарши жинсдаги бир инсоннинг севгиси билан қалбини тўлдириш эсли-хушли инсон зоти-га ҳеч ярашмаса керак.

Аёлга бўлган севгининг ҳам бу оламда ўрни бор, албатта, Аммо ҳар бир нарсаси жой-жойига қўйилган бу дунёда ҳар аъзоси, ҳар ҳис-туйғуси жой-жойига қўйилган бу инсон ўзига эҳсон қилинган бу севиш неъматини ҳам ўрнида ишлатишга мажбурдир.

Мен бу кенг мавзунинг эшигидан қайтган ҳолда сўзимни севги ҳақида давом эттираман:

Инсон бу қийматли ҳиссини исроф қилмаслиги керак. Ким қанчалик севгига лойиқ бўлса, уни ўша даражада севиши керак. Инсон юлдузларни севади, аммо ўз боғидаги дарахтларчалик эмас... Дарахт шохларидаги меваларни севади, аммо ўз бармоқларичалик эмас... Кўлини, оёғини, кўзини, қулоғини севади, аммо ақлчалик эмас. Кўшнисининг фарзандини севади, аммо ўз фарзандичалик эмас.

Бутун бу муҳаббат сабабларига инсон руҳи «лаббай» деб жавоб беради. Яъни, ҳаммасини етарлича сева олади ва у қалбда жой торлиги йўқдир. Худди мана шу ҳол бизларга ушбу ҳақиқатдан сабоқ бермоқда:

Қалблардаги ниҳоятсиз муҳаббат қобилияти фақат муқаддас зоти каби бутун сифат ва феъллари ҳам ниҳоятда баркамол бўлган Аллоҳ учундир. Бу оламдаги бутун гўзалликлар Унинг гўзал исмларининг бир тажаллийидир. Бу мавзуда яна бир буюк ҳақиқатни ҳам айтмасдан ўта олмайман.

“Қалб ботини Сомад ойнасидир”. Маълумки, “Сомад» Жаноби Ҳақнинг бир исми бўлиб, ҳар бир нарса унга муҳтож ва У ҳеч нарсага муҳтож эмасдир, деганидир. Инсон қалбининг энг буюк эҳтиёжи ўзини яратган ва энг гўзал шаклда тарбият қилган Раббига имон келтиришидир. Уни севиши ва Ундан кўрқишидир. Баданидан тортиб то куёш-юлдузларгача бўлган барча нарсаларни ўзининг амрига бўйсундирган султонлар Султонига шукр ва ҳамд айтишидир. Инсон қалби фақатгина бу имон, маърифат ва муҳаббат билангина ҳузур топади, татмин бўлади. Севги ҳиссини ўз ўрнида ишлатмоқчи бўлган ҳар бир инсон, аввало ва энг кўп ўз Раббини, Холиқини севиши керак ва кейин бошқа нарсаларни ҳам яна Аллоҳ учун севиши керак.

Бугун “севги” ва “ишқ” деганда ақлимизга дарҳол аёл ва шаҳват келадиган бўлса, буни бир касаллик, тубанлик ва паришонлик деб билишимиз лозим...

Шуни ҳам яхши билишимиз керакки, ҳар нарсани ва ҳар бир завқни, жумладан, аёлга (ёки эркакка) бўлган севгини ҳам, Аллоҳ соясида сеза оламиз. У бизни жуфт-жуфт қилиб яратганида, аёл (ёки эркак) севгисини қаердан билар эдик?

(Давоми 28 бетда)

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ

Нуфуси жиҳатидан дунёда биринчи ўринда турган ҳамда Марказий ва Шарқий Осиёда улкан худудни эгаллаган Хитой жуда узоқ йиллик тарихга эга. Милоддан икки минг йил илгарироқ ҳам Ин давлати мавжуд эди, милоддан олдинги XI асрда уни чжоу қабилалари босиб олди. Чжоулар давлати ҳам тўрт юз йил яшади, холос, у Си, Сзин, Син каби давлатларга бўлиниб кетди. Шундан кейин мамлакатда конфутсийчилик, даосизм ва бошқа фалсафий мактаблар шаклланди. Милоддан олдинги учинчи асрга келиб Син ҳукмдорлари бутун ўлкадаги ҳукмронликни қўлига олди, юз йилдан кейин улар ўрнига Хан (хун) империяси келди. Худди шу пайтда Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқалари бошланди, «Буюк Ипак йўли» очилди. III-IV асрларда Хитой бир неча майда давлатларга бўлиниб кетди, ўн учинчи асрда бутун мамлакатни мўғуллар босиб олди. XIX асрга келиб Хитой — АҚШ, Франса, Буюк Британия каби давлатлар “назари”га тушди ва мамлакатда ўзаро урушлар, фитналар даври бошланиб кетди. 1949 йил 1 ўктябрида Хитой Халқ Республикаси эълон этилди. 1956 йилдан бошлаб у сотсиализм йўли-

Майдони: 9.597 минг кв.км.

Аҳолиси: 1.248 милён киши

Пойтахти: Пекин шаҳри

Тузуми: Республика

Давлат бошлиғи: ХХР раиси

Пул бирлиги: юан

Йирик шаҳарлари: Шанхай, Тяньсин, Сянган, Шенян, Ухан, Гуанчжоу, Чунсин, Нанкин, Урумчи

дан боришга қарор қилган. 1978 йилдан мамлакат иқтисодий ва сиёсий ҳаётини ислоҳ қилиш асосида уни йигирма биринчи аср ўрталарида жаҳондаги юксак тараққий этган ўлкага айлантириш дастури амалга оширилмоқда.

Хитой Ислоннинг илк даврларида у билан шарафланган мамлакатлар қаторига киради. Пайгамбаримизнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) “Илмни Чинда бўлса ҳам ўрганинлар” деган машҳур ҳадислари бор. Пайгамбар (алайҳиссалом) Форс, Миср, Ҳабаш, Рум ўлкалари раҳбарларига мактуб йўллаб, уларни Аллоҳнинг сўнги ҳақ дини — Ислонга даъват этганлари Ислон тарихидан яхши маълум. Аммо Хитой манбаларига кўра, жаноби Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) юқоридаги ҳукмдор-

лар қатори Чин императорини ҳам Ислонга даъват қилиб, мактуб ёзганлар ва уни алоҳида элчи билан жўнатганлар. Элчи императорнинг жавобини Мадинага келтирганида Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) вафот этган эдилар, шу сабабли жавоб мактубини топшира олмай Хитойга қайтиб, ўша ерда вафот этади. Қабри ҳозирда зиёратгоҳга айланган (Брумбал Маршал, “Islam in China”) Ҳазрати Усмон (розийаллоху анху) даврларида Ислон кўшинлари Эрон ва Мовароуннахр ўлкаларини фатҳ этишди. Хитой мамлакатларида Ислоннинг буюк бир дин ўлароқ нуфузи ортиб бораётгани қайд қилинган. Милодий 650 йили Чин императори Ҳазрати Усмонга бир элчи жўнатган. Халифадан келган жавоб мактуби Пекинда катта тантана билан кутиб олинган.

Араб савдогарлари ва фотиҳларининг Чинга ташрифи бесамар кетмади, хитойликлар Ислонни қабул қила бошлашди. Хуйко исмли қабила биринчи бўлиб Ислонни таниди ва унинг амрларини адо эта бошлади. Шунинг учун ҳам Чинда бу дин Хуйжиоз (соф дин) деган ном билан машҳур бўлди. Хитойга Ислон динини олиб келганлар Қурьони ка-





римни ва бошқа диний китобларни келтиришди. Хитойликлар Курьонга кўп иззат-икром кўрсатишди, бу муқаддас Китобни қўйиш, асраш ва ўқиб-ўрганиш учун император саройи ёнида алоҳида бино тикланди. Мана шу даврдан бошлаб Ислом Чинда кенг ёйила бошлади, ҳатто Танг сулоласи даврида саройгача кириб борди.

Аббосий халифалардан Мансур даврида Чинда Исломни кенг ёйишга яна бир имконият очилди. Чин императори Шуэн-Зум тахтада эканида чиққан бир исённи бостириш учун аббосий халифа Абу Жаъфар Мансурдан ёрдам сўрайди. Халифа унинг илтимосига биноан Шарқий Туркистонга тўрт минг кишилик қўшин жўнатади. Тибетликлар Чиндан Хуросонга қайтиш йўлини тўсиб қўйгани учун ана шу тўрт минг кишилик қўшин Чинда қолиб кетади ва маҳаллий қизларга уйланиб, кўпайишади. Ўша Ислом аскарларнинг авлодари бугунги Хитой мусулмонларининг асосий қисмини ташкил этади. Чинга қуруқликдан дин олиб кирганлар ҳозирги Уйғур мухтор жумҳуриятида, денгиздан борганлар эса, мамлакатнинг кунчиқар минтақаларида ўрнашиб қолишган.

Ҳозирги пайтда Хитойда 35 милён (расмий маълумот), (90 милён, “Азия и Африка” журн. 1989, 10-сон) мусулмон яшаб турибди. Мао даврида қаттиқ таъқиб ва зулмларга дучор бўлган мусулмонларнинг диний

этиқоди 1978 йилги ўзгаришлардан сўнг конституция ва қонун томонидан ҳимояга олинди. Уламолардан шайх Ван Сзинжой, шайх Ма Лансзюан, шайх Пан Шисиян, профессор ҳожи Ма Сян ва бошқалар Чинда Ислом маданияти равнақи-га катта ҳисса қўшишмоқда.

Расмий маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда Хитойда 35 мингта масжид (шулардан 28 мингта жомеъ) бор. Уларда 45 минг имом фаолият кўрсатмоқда. 1953 йилдан бери Хитой Ислом жамияти ишлаб турибди. Мамлакатда тўққизта Ислом институти бор, уларда жами 23 минг талаба таҳсил кўряпти. Ҳар йили беш мингдан зиёд мусулмон ҳаж ибодатини адо этияпти. Диний адабиётларни нашр этишга кўп аҳамият берилмоқда. Курьонни карим маъноларининг хитойча, уйғурча таржималари тайёрланиб нашр этилди.

Мусулмонларнинг асосий қисми Уйғур мухтор жумҳуриятида (Шарқий Туркистонда) яшайди. Бундан ташқари хуэйлар, сарларлар, дунсянлар, баоанлар, қозоқлар, қирғизлар, ўзбеклар ва тоторлар каби оз сонли миллат вакиллари ҳам Ислом динига

этиқод қилишади. Улар асосан мамлакатнинг Гансу, Синхай, Шанси вилоятларида яшашади. Тожик мусулмонлар шиа мазҳабида, қолган мусулмонлар суннийлардир.

Хитой Халқ Республикаси ҳақидаги бу мақолани ажойиб бир маълумот билан яқунлашни лозим топдик. Машҳур саҳобий Саъд ибн Абу Ваққос (розийаллоҳу анҳу) милодий 650 йили Чин ўлкасига сафар қилади. Чин императори Юнг-Вай Ислом динига юксак ҳурмат билдириб, бунинг исботи мақсадида Чианг-ангда бир жомеъ қуришга рухсат бергани манбаларда қайд этилган. Орадан салкам 1400 йил ўтишига қарамай, бу жомеъ ҳалигача сақланиб қолган.

Аҳмад ТУРСУН
тайёрлади.



Биз ўтмишни, шонли тарихни тез-тез фахр билан тилга оламиз. Унинг маърифий майдонида ўчмас из қолдирган машхур шахсларни эслаб тураимиз. Бу инсон зотига хос табиий хусусиятдир.

XX аср аввалида мусулмон-турк дунёсининг улуғ фидойиси, Боқчасарой фарзанди, барча жадидлар отаси, машхур “Таржимон” газитининг соҳиби Исмоилбек



Фаспирали дорилфанодан борилбақога рихлат қилган эди. Замондош ва маслакдошлари

1914 йил 10 сентябр куни кечга яқин, юзи қибла томонга буриб қўйилган ва эрталабгача шу зайлда ётган.

11 сентябр куни эрталаб соат саккизларда жон таслим этган. 12 сентябр жума куни ўқилган жанозасига беш-олти минг киши иштирок этган.

Исмоилбек кўпинча: “Халқ бирла аралашувингиз шу равишда бўлсинки, ораларинда турфон вақтингизда улар сизни севсинлар ва айрилгандан сўнг сиз учун йиғласинлар”, каби ҳикматларни айтиб юрар эди. Ҳар бир мусулмон унинг ўлимини эшитган заҳоти аввало: **“Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун”** калимасини такрор-

эса “ходимул миллат”га “Русия мусулмонлари ичинда мунда-йин бир зот йўқдир”, деган сўзларни ёзади.

“Таржумон”нинг 5 ўқтабр сонидида кўқонлик бир гуруҳ муаллим ва ёшлар: “Садои Фарғона” идорасина севгили Исмоилбекнинг иртихолини доир чекилан хабар бизлари фавқуллода мунгдор этди. Ушбу зиёи олима жумла ила биз-да ағлаёриз. Кўқанд генжлари ва муаллимлари марҳумнинг руҳина раҳмат, қолонлара сабр ва таҳмил таманно айлаярк жомеъда дуо этдилар”, дея хабар бердилар.

“Оина” муҳаррирларидан Мирзошоҳ Ҳафизов ва Усмон Хўжанинг: “Эски Бухоро мусулмонлари нурландирижи Исмоилнинг вафотидан ўтру кадарларингиза иштирок эдиёриз”, тарзидаги таъзияномаси газетанинг 12 ўқтабр сонидида босилиб чиққан...

Туркистон жадидлари матбуотида бу қайғули хабар акс-сайдосидан бир қатор марсиялар пайдо бўлди.

Камий: **“Жумлаи Ислом элига раҳбару устоз эди. Барча шоғирдонина эрди атодек меҳрибон”**, деб ёзди.

Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий айни мавзудаги “Явмул вафот” деган мақоласида Исмоилбекни: “Ўзининг инсон эканлигин ҳақиқий кўз билан кўрганидан бери бутун Русия мусулмонлари орасида маориф денгизини оқизмоқ ва тошзорларни сабззор этмоқ муродида қаршидаги “садд” бўлган баъзи нифоқ, ғафлат ва жаҳолат каби ҳисобсиз тизилган энг зўр катта тоғларни ёлғиз ўзи Фарҳод каби ижтиҳод ва ғайрат тешаси билан бузиб, текис қилгон зот-да бу марҳум ва мағфур Исмоилбек ҳазратлари эди”, дея улуғлади.

Хуллас, Исмоил Фаспиралининг хизматлари унинг вафоти муносабати билан ҳам, кейинчалик ҳам кўп бора эсга олинди. Зотан, Исмоилбек шунга муносиб, чин бир фидойи инсон эди.

Баҳодир КАРИМ

ИСМОИЛБЕК ХОТИРАСИ

бу айрилиқ туфайли қайғурган, унинг нақадар ташаббускор ва тиришқоқ инсон бўлганини қайта-қайта таъкидлаган эдилар.

“Миллатга, халқ ва жамоатга хизмат этувчилар эҳтимол ҳар вақт бўлиб келгандир, бири илм бирла хизмат этган бўлса, эҳтимолки иккинчилари моллари ва ақллари бирла ёрдам этгандирлар. Лекин Исмоилбекнинг хизмати барокотли ва жуда фойдали бўлди. Исмоилбек бу миллат учун хайрли ва назирсиз бир ходим эди”. Бу сатрлар эгаси Ризоуддин ибн Фахриддин ўз журналы “Шўро” (1914 йил, нўябр сони)да Фаспирали фаолиятига чуқур назар ташлайди ва умрининг охириги лаҳзалари тўғрисида бир қанча қимматли маълумотлар беради.

Маълум бўлишича, Исмоилбек 1914 йил 9 сентябр куни ўз авлодларини, яқинларини ёнига чақириб: “Сўйлажаяк сўзларима диққат этингиз, ҳолим оғир, бунинг натижаси ушбу кунларда англашилур, модомики туғилдикми, бир кун албатта ўлажакмиз, сўзларимдан мутаассир бўлмангиз, туғилиш табиий бўлғони каби, ўлмак-да табиийдир”, деган мазмунда сўзлаган ва васиятлар қилган.

лагани, сўнгра йиғлагани, кўз ёш тўккани шубҳасиздир. Исмоилбекнинг вафоти бутун мусулмон-турк дунёси зиёлиларининг қалбини изтиробга солди.

Улар ўзларининг дил изҳори бўлмиш таъзиянома ва марсияларини барча матбуот саҳифаларида турли йўсинларда баён этганлар. Биргина “Таржимон”нинг 1914 йил сентябр охири ва ўқтабр-нўябр ойларида чиққан сонларини варақлаган киши кўзёшлари билан ёзилган кўп ғамгин сатрларни ўқийди.

Исмоилбекнинг сафдоши Ҳасан Сабрий Айвазов: “Эй устоз! Сен бир қуёш эдинг! Шарқда асрларча жаҳолат зулмати туфайли инқирозга маҳкум қолмиш турк-мусулмон қавмларини танвир (нурли қилиш) учун тулуъ этмиш (чиқмиш) бир қуёш эдинг”, дея ёзди.

“Таржумон”га чор атрофдан таъзия мактублари, тилғиромлари ёғилди. Газитнинг 1914 йил 4-сонидида “Таъзия телеграфлари” рукнида Беҳбудий Самарқанддан ёзади: “Кадарингиза иштирок эдиёрим. Жаноби Ҳақдан сабр ва таҳлил ниёз эдиёрим”. “Оина”да таъзия муносабати билан босилган “Исмоилбек ҳазратлари” деган мақоласида

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ

* * *

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари йигирма тўққиз ёшларида ҳалол ризқ қозонмоқ учун деҳқончилик, одамларга тўғри йўлни кўрсатиш билан машғул бўлдилар. Тез вақтда ҳосиллари шу қадар баракотли бўлдики, бошқариш учун вакил тайин этдилар. Бир минг уч юздан зиёд хўжалар бор эди. Ҳар бирида уч мингдан киши ишларди. Аллоҳ таолонинг баракоти билан бир йилда саккиз юз бир ботмон ушр берилди. Ўзлари бу хусусда марҳамат этдилар: «Бизнинг молимиз фақирлар учундир. Бунча молнинг хосаси (ўзига хослиги) мана шу нуқтададир».

«Мен бу йўлни тасаввуф китобларидан эмас, халқ хизматидан қўлга киритдим. Ҳар кимни йўлдан элтадилар, бизни хизмат йўлидан олиб бордилар. Хайр умидида ҳар кимга хизмат қилинг», — дер эдилар.

Яна шундай ҳикоя қиладилар: «Самарқандда Мавлоно Қутбиддин мадрасасида икки-уч хастанинг хизматини зиммамга олдим. Касалликлари зўрайганидан ўринларини ҳўл қилиб қўйишарди. Ювиб, кийимларини алмаштириб, кийдириб қўяр эдим. Охири ўзим ҳам хасталаниб, ётиб қолдим. Ҳатто шу ҳолимда ҳам сув келтириб, беморларнинг кирларини ювишда давом этдим».

* * *

«Рашаҳот» китоби муаллифи дейди: «Бу фақир Хожа Аҳрор Валий ҳазратларининг кеча-кундуз хизматларида бўлиб, ҳеч эснаганларини кўрмадим. Йўталиш ва шунга ўхшаш сабаблар билан оғизларидан ёки бурунларидан бирор нарса чиқарганларига шохид бўлмадим. Одамлар орасида ёки ёлғиз қолганларида бирор марта боғдош қуриб ўтирганларини кўрмадим». Ўттиз беш йил хизматларида бўлган Мавлоно Абу Саид дейди: «Баъзан тумов ёки лан (грипп) бўлардилар, бу ҳолларда ҳам ижиргантирадиган бирор хатти-ҳаракат қилмасдилар. Ҳеч бир аъзоларида қўрганларни ҳузурсиз этувчи бирор ҳолат йўқ эди. Ёлғиз бўлсалар ҳам, доим одобли ва гўзал ҳаракат қилардилар».

* * *

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг талабларидан тижорат ишларига масъул Мавлоно Нажмиддин шундай ҳикоя қиладилар: «Бир гал катта карвонда туяларга мол юклаб кайтарканмиз, қароқчилар йўлимизни тўсди. Карвондошлар даҳшатга тушишди. Моллари таланиб, асирга тушишдан қўрқибди. Мен ичимда дедимки: «Хожам Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг омонатларини жангсиз қароқчиларга топшириш шогирдлик шаънига тўғри келмайди, мардлик ва инсонийликдан узоқдир. Энг яхшиси хожамнинг молларини муҳофаза этиб, бу йўлда шаҳид бўлмоқдир». Шундай деб Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг руҳониятларини васила этиб Аллоҳдан мадад



чиларнинг карвонни қўйиб, қочганларини кўрдим.

* * *

Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари марҳамат этадилар: «Муҳаммад (алайҳиссалом) умматидан «масҳ», яъни, сурат (шакл)нинг ўзгартирилиши, ҳайвон шаклига эврилиши кўтарилгандир. Фақат ботиний, маънавий сурат ўзгариши кўтарилмаган. Ботиний суратнинг ҳайвоний суратга ўтирилиши айланишининг аломати катта гуноҳ қилган кишининг алам, оғриқ туймаслиги, қилган ҳаром ишдан пушаймон бўлиб, изтироб чекмасдан, фисқ ва исёнда қатъий давом этишидир. Бу шундай бир даражага етадики, қилган гуноҳларидан қалби қорайиб, танбеҳ, насиҳат кор қилмайди ва ғафлатдан уйғонмайди».

Тасаввуф йўлида бўлган кишининг васфларини англатиб, марҳамат этдилар: «Шайх Абу Саид Абул Хайр тасаввуфни шундай таъриф этганлар: «Ҳозиргача авлиёдан етти юз зот тасаввуф таърифи хусусида турли сўзлар айтганлар. Барча бу сўзларнинг ўзаги (асли) ушбу нуқтада жамланди: «Тасаввуф вақтни энг қимматли (энг фойдали) ишга сарф этмоқдир!»

* * *

«Инсоннинг яратилишидан мурод қуллик (ибодат) қилишдир. Қулликнинг ўзи (асли) эса ҳар ҳолу корда (ҳар қачон, ҳар қайда, ҳар ишда, ҳар ҳолатда) Аллоҳ таолони унутмасликдир».

* * *

Илми ладуний ҳақида марҳамат этдилар: «Илм икки турдир: бири варосат илми, бири ладун илми. Варосат илми ҳаракат билан қўлга киритилур. Расулulloҳ (с.а.в.): «Ким билган (илм)ига амал этса, Аллоҳ таоло унга билмаганларини ўргатур», деганлар. Илми ладуний эса, Аллоҳнинг (ж.ж.) эҳсонидур. Ҳаракат қилмасдан қўлга кирур. Илоҳий бир мавҳиба (эҳсон, севги, ҳадя)дир. Қулларидан ўзи хоҳлаганига берур».

* * *

Аҳли суннат эътиқодини мадҳ этиб марҳамат этадилар: «Барча ҳолларни ва топилмаларни бизга берсалар, лекин аҳли суннат вал жамоат эътиқодини қалбимизга ўрнаштирмасалар, ҳолимни хароб, истиқболимни қоронғу кўрурман. Барча харобликлар, чиркинликларни берсалар ва қалбимизни аҳли суннат эътиқоди бирла безасалар, хафа бўлмасдим».

Фотима ТЕМУРнинг

«Кўнгли дўстлари» китобидан

КИЧКИНА УМАРНИНГ ҲИКОЯЛАРИ

Биринчи ҳикоя

Сизларга ўзимни таништирай: исмим Умар, ҳозирча мактабга бораман. Синглим Зайнаб ҳам мен билан бирга мактабга қатнайди. Укам Абдуллоҳ ҳали гўдак, у уйда онам билан қолади. Синглим ва укам мен учун энг суюкли. Улардан ташқари, ота-онамни, мактабдаги ўқитувчиларимни ҳам севаман. Ота-онам ҳар қандай вазиятда менга суянчиқ бўлишса, ўқитувчиларим билмаган нарсаларимни ўрганишимда ёрдам беришади.

Ўзимни сизларга қисқача таништирадим. Энди айтмоқчи бўлган ҳикоямни бошласам:

Бир куни мактабдан уйга қайтдим. Китоб-дафтарларим солинган жилдни бир-бурчакка қўйиб, дарҳол ошхонага югурдим. Суюкли онажоним таом тайёрлаш билан машғул эдилар, таомнинг мазали ҳиди эса бутун ошхонани тутиб кетган. Салом бериб, онамнинг бўйниларидан кучоқладим ва юзларидан ўпиб қўйдим. Онажоним алик олгач:

— Биламан, болажоним, қорнинг жуда оч. Лекин бир оз сабрли бўлиш керак. Чунки сабрда ҳикмат кўп. Олдин кийимингни алиштир, юз-қўлингни юв. Ҳозир даданг, Зайнаб ҳам келиб қолишади, унганча мен таомни тайёрлаб бўламан. Сўнг ҳаммамиз биргаликда овқатланамиз, — дея бошимни силадилар.

Қорним жуда очган эди. Аммо онамнинг гаплари тўғри, ҳали қиладиган ишларим бор. Олдин мактаб кийимларимни алмаштирдим. Кейин юз-қўлимни ювдим. Бу орада Зайнаб ҳам келди. У мендан кўра тартибли, ҳеч ким айтмаса ҳам ишларини билиб қилади.

Ҳамма вазифаларини битиргач, укам Абдуллоҳни ўйната бошлади. Шу пайт эшик кўнғироғи жириглади. Зайнаб иккимиз, дадам келган бўлсалар керак, деб эшикка югурдик. Ле-

кин ташқарида жулдур кийимли, ориқ, нотаниш киши турарди.

— Худо йўлига бирор нарса беринг, — деди у. Зайнаб:

— Овқатимиз ҳали пишмади, бир оз кутиб туринг, — деди. Мен ҳам:

— Агар хоҳласангиз, бирорта кийим берайлик, — дея қўшимча қилдим.

— Йўқ, йўқ. Менга овқат ҳам, кийим ҳам керак эмас. Имкон бўлса, озгина пул берсангиз.

Унинг бу гапи менинг жаҳлимни чиқариб юборди.

— Менимча, сиз муҳтож бўлмасангиз ҳам одамлардан нарса сўраб юрсангиз керак. Қилаётган бу ишингиз тўғри эмас.

Шундай деб, эшикни шаҳд билан ёпдим. Эшикнинг қаттиқ ёпилганини эшитган онам:

— Тинчликми, болажонларим, нима бўлди? — деб сўрадилар.

Зайнаб воқеани гапириб берди. Онам индамай эшитиб турдилар, лекин юзларида жуда хафа бўлганлари кўриниб турарди.

— Ўғлим, балки қилган ишинг тўғридир. Аммо ким бўлишидан қатъи назар, бундай муомала қилиш яхши эмас. Чуни Қуръони карим ва суюкли Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу борада кўп огоҳлантирганлар. **“Сўрагувчини (тиланчини) ҳайдаманг”** оятини унутмаслигимиз керак, — деб танбех бердилар.

Шунда Зайнаб:

— Ойи, Пайғамбаримиз бу ҳақида нима деганлар? — деб сўради.

Онам ҳар доимгидек табасум билан аввал менинг, сўнг Зайнабнинг юзидан ўпиб:

— Овқатланиб бўлаганимиздан сўнг айтиб бераман, — дедилар.

Дадам ишдан келдилар. Барча оила аъзолари дастурхон атрофига йиғилди. Онам тайёрла-

ган мазали таомлардан тановул қилдик. Дастурхон йиғилгач, синглим иккимиз онамнинг ҳикояларини сабрсизлик билан кута бошладик. Онам отамга гапириб бермоқчи бўлган ҳикоялари ҳақида айтдилар.

— Жуда яхши, мен ҳам сизлар билан бирга ўтириб тинглайман, — дедилар отам хурсанд бўлиб.

Онам ҳикояларини бошладилар:

— Пайғамбаримиз (соллаллоҳу лайҳи ва саллам) бир куни масжидда ўтирар эдилар. Ҳазрати Абу Бакр, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон, Ҳазрати Али, Ҳазрати Абдураҳмон ибн Авф (Аллоҳ уларнинг барчасидан рози бўлсин) каби энг яқин кишилари ҳам у Зоти Муборак билан бирга эдилар. Ҳаммаёқ ой нури билан чароғон гўзал бир кеча эди. Шу пайт масжидга узоқ ердан келган бир киши кирди ва бақирди:

“Эй Муҳаммад, менга бирор нарса бер!”

Асҳоби киром безовта бўлишди. Чунки ҳеч қачон Пайғамбаримизга кўпол ва баланд овозда гапирилмас эди. Бундай қилиш ҳурматсизлик ҳисобланарди. Биронта кишининг ҳам бундай кўпол гапиришига йўл қўймасдилар. Чунки улар Аллоҳнинг Расулини жонларидан ҳам ортиқ севардилар. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гапираётганларида гўё бошларига бир қуш қўнган-у, уни учириб юбормаслик қўркуви билан турган кишидек ул Зотни тинглардилар. Шу сабабли бу бегона кишининг хатти-ҳаракати уларнинг кайфиятини бузди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) табассум қилдилар. Саҳобаларнинг эса жаҳллари чиққани кўриниб турарди. Уларга қолса, бу одамни қўлидан тутиб, ташқарига отишга тайёр эдилар.

Пайғамбаримиз уларга тинчланинглари дегандек ишора қилдилар. Сўнг ўринларидан туриб,

уйларига кириб кетдилар. Уйларининг эшиги masjidга қараб қурилган эди. Қўлларида бир қанча нарсалар билан қайтиб келдилар ва ҳалиги кишига бериб:

“Бу етадими?” деб сўрадилар. Киши эса яна баланд овозда берилган нарсалар етмаслигини айтди.

Бунини эшитиб masjidда йиғилганларнинг кайфияти баттар бузилди. Баъзилари ҳатто газабдан ўринларидан туриб кетишди ва ҳалиги кишининг устига ташланмоқчи бўлишди. Пайғамбар олдида қандай муомала қилишни билмайдиган бу одамга яхшигина дарс бериб қўйишмоқчи эди. Севгили Пайғамбаримиз бу сафар ҳам уларга тўсқинлик қилиб, ҳалиги кишини ҳимоя этдилар. Сўнг яна бир бор уйларига кириб, ул-бул нарса олиб чиқдилар ва ҳалиги одамнинг олдида қўйиб:

“Булар етадими?” деб сўрадилар.

Киши бу сафар юмшоқроқ овоз билан деди:

“Етади, эй Аллоҳнинг Пайғамбари! Аллоҳ сени ва оила аъзоларингни энг гўзал шаклда мукофотласин”.

Пайғамбаримиз (солалллоҳу алайҳи ва саллам):

“Бояги гапларингдан дўстларининг дили огриди. Ҳозир кет ва эртага келиб, ҳозир айтганларингни яна бир бор қайтар. Ажаб эмаски, ўртангиздаги хафагарчилик йўқолса”, дедилар...

Синглим Зайнаб менга юзланиб:

— Акажон, Пайғамбаримизнинг инсонларга бу қадар шафқатли муносабатда бўлишлари биз учун юксак ўрнак эмасми? — деб қолди. Бу гапи билан у бояги воқеани эслатгандек бўлди. Дадам:

— Қизим, акангни айбламаслигинг керак, — дедилар.

Бу гапдан кўнглим бир оз бўлса ҳам таскин топди. Дадам иккимизни кучоқларига олиб:

— Охиригача эшитайлик, энг муҳим қисмига келдик, — дедилар.

Онам давом этдилар:

— Эртаси кун бегона киши яна келди. Пайғамбаримизнинг яқин дўстлари каби даврага қўшилди. Кечаги ҳолатидан асар ҳам қолмаган эди! Худди бошқа одамга ўхшарди. Кеча қилган хатти-ҳаракатларидан уялиб, бошини эгиб ўтирар, ҳатто бир оғиз ҳам гапирмас эди.



Аллоҳ Расули унга яқинроқ кел дегандек ишора қилдилар. Киши ўтирган жойидан туриб, кўрсатилган жойга келиб ўтирди. Пайғамбаримиз муборак қўлларини унинг елкасига қўйдилар.

“Бу дўстимиз кеча унга берган нарсаларимдан мамнун бўлганини айтиш учун бугун ҳам бизни зиёрат этди. Мен ҳам ундан шундай қилишини сўраган эдим, — дедилар. Сўнг ҳалиги кишига ўгирилиб: — Шундайми?” — деб сўрадилар. Киши жуда паст овозда “Ҳа” деб жавоб берди. Аллоҳ Расули табассум қилиб, саҳобалар томон юзландилар.

“Сизга бир одам ҳақида гапириб бераман. Менинг ҳолатим ўша кишиникига жуда ўхшай-

ди! Фараз қилинг, бир одамнинг туяси арқонини узиб, қочди. Арқондан бўшаган туя шаталоқ отиб қоча бошлади. Бир қанча инсонлар туяни тутишга ёрдам бериш учун орқасидан қувлашди. Одамларнинг югуриб келаётганини кўрган туя янада жазавага тушди. Туянинг эгаси бу ишдан бир натижа чиқмаслигини тушуниб: “Эй инсонлар! Туянинг орқасидан чопишни бас қилинг. Мен билан туям ўртасига кирманг, мен унинг соҳибиман. Уни сиздан кўра мен яхшироқ билман”, деди. Одамлар тўхташди. Сўнг туянинг эгаси йўл четигаги ўтлардан юлиб, аста-секин туяга яқин борди. Туя ҳам ўзини босиб, эгаси қўлидаги ўтни ея бошлади. Киши туянинг арқонидан осонгина ушлаб олди. На эгаси туясини йўқотди, на туя қочиб кетди.

Аллоҳ Расули шундай давом этдилар:

“Агар кеча бу одамнинг бир оний ҳаракати учун жаҳл қилганингизда, ҳам уни йўқотардик, ҳамда унинг жавобгарлиги зиммангизга тушарди...”

Онам ҳикоясини тугатгач, отам:

— Рухсат берсангиз, мен ҳам шу ерда бир нарсани қўшиб ўтсам. Ўғлим, эшикка келган бояги кишига нисбатан бундай муомалада бўлишдан олдин онангга хабар берсанг, гўзалроқ бўларди. Ёқимли сўзлар билан кишининг кўнглини олиш, уни ранжитишдан яхшироқ, шундай эмасми?

Мен бутун қалбим билан:

— Албатта, дадажон! Пайғамбаримизнинг бу ишларидан шунчалик кўп нарса ўргандимки, ҳатто сўз билан тушунтиришим қийин, — дедим.

Маҳмуд МАҲКАМ
таржимаси

ОВРУПАДА ЯНГИЧА ВОҚЕЎЛИК

Илк мусулмонлар

Биринчи мусулмонлар Оврупа ерларига ҳали оврупа миллати тушунчаси шаклланганмаган бир давр — 711 йилда қадам қўйишган эди. Улар лашкарбоши Ториқ ибн Зиёд қўшинини ташкил этувчи мавританиялик мусулмонлар эди. Бу аскарлар ёввойи герман-вестгот қабилалари босиб олган рум Испанияси худудларига ёйишиди.

Маврлар ҳеч қачон Рум империясининг фуқароси бўлишмаган, шунинг учун улар германлар истибодди остида эзилаётган испан ватандошлари олдида ўзларини қарздор деб билишарди. Вестготлар қироли Родерик мағлуб бўлган 718 йилдагина Испания худудлари озод қилинди.

Саккиз юз йилга яқин давр мобайнида Испания мусулмон давлати сифатида гуллаб-яшнади. Бироқ XVII асрга келиб, инквизитсанинг қонли террори сабабли мусулмон аҳоли қирғин қилинди, қувилди ёки мажбурлаб католикликка ўтказилди. Шунга қарамай, испан маданияти ҳали-ҳануз исломий анъаналарни сақлаб қолган: дунёга машҳур Ал-Ҳамро меъморлик мажмуаси, испан адабиётининг дурдоналаридан Сервантеснинг “Дон Кихот” асари шулар жумласидандир. Борхес каби таниқли адабиётшуносларнинг фикрича,

ушбу асар араб-испан муаллифи Сайид Аҳмад ибн Инхалий асарининг бадиий жиҳатдан қайта ишланган шакли экан. Испан ритсар дostonчилигининг энг машҳур қаҳрамонига ҳам арабча исм (Сид — “Сайид”дан олинган) берилган.

Ҳозирги Оврупада Ислom

Ислom Оврупа жамияти ҳаётида ўзига хос янгича воқеаликдир. Лекин, шу билан бир қаторда, жиддий ва истиқболли хусусиятларга эга. Бу муҳим омилни ҳисобга олмай Оврупа келажаги ҳақида гапириш қийин. Агар Оврупанинг бутун дунёга ўтказадиган анъанавий таъсири эътиборга олинса, оврупалик мусулмонларнинг умумжаҳон ҳазорасига билвосита ёки тўғридан-тўғри таъсир кўрсата олишлари маълум бўлади.

Кўпчиликда Ислom ва Оврупа бир-бири билан келиша оладими, деган савол туғилиши мумкин. Ҳатто 1996 йили ғарблик ўнгчилардан Самуэл Хантингтон “Сивилизатсиялар тўқнашуви” номли китобида Оврупа ва Ислom бир-бирига муҳолиф, муросага келолмайдиган адоватли икки ҳазора, деган фикрларни илгари сурган эди. Лекин ҳаётда, тўғрироғи, Аллоҳнинг марҳамати билан вазият бошқача тус олди. Ўтган асрнинг 90-йилларида ҳатто “евроислom” деган атама ҳам пайдо бўлди. Аслида евроислom, осийсислom ёки амриқоислom деган тусунча йўқ, Ислom барча учун бир хилдир.


Турли маълумотларга кўра, Оврупада 15 дан 20 милёнгача мусулмон истиқомат қилади. Волгабўйи ёки Кавказ каби ерлардаги этник мусулмонлар ёхуд Болқон ярим оралидаги албанлар, босналилар, помаклар (булғор мусулмонлари) ва торбешлар (македон мусулмонлари) бу ҳисобга кирмайди. Келтирилган рақамлар фақат шарқий худуддан, Вена ва Прагани ичига олган ғарбий Оврупага тегишли.

Оврупага келган сайёҳ бу ерда қоратанли мусулмонлар кўплигининг гувоҳи бўлиши мумкин. Мусулмон аҳолининг катта қисми Париж, Берлин каби шаҳарларга яқин ерларда улғайишган. Уларнинг ота-боболари бу ерларга кўчиб келиб, маҳаллийлашиб кетишган.

Русияликлар ҳисобича, оврупалик мусулмонлар сони унчалик кўп эмас. Лекин улар сонининг ўсиб бораётгани қувонарли ҳол.

Қирқ-эллик йил олдин Ғарбий Оврупада мусулмонлар жуда озчиликни ташкил этарди. Биринчи мусулмон муҳожирлари оқими Франса ҳукуматининг 1954-1962 йилларда Жазоирда юритган сиёсати сабабли пайдо бўлган эди.

Жазоирликлар Франсадаги мусулмон жомасининг асосини ташкил этишди. Мусулмонларни қашшоқлик, ҳақсизлик ва кам маошли иш кутар эди. Лекин уларнинг фарзандлари Франса мусулмонлари ҳаётида янги босқични бошлаб беришди. Барча тадқиқотчилар ўсиб келаётган жазоирлик ёш авлод ота-оналарига нисбатан Ислomга фидойироқ, деган фикрдадилар.



Мусулмонлари сони

Энг катта мусулмонлар жамоаси Франсададир. Ҳозир бу ерда аҳолининг 10 фоизини ташкил қилувчи беш милёндан етти милёнгача мусулмон бор. Ислом дини Франсада католикликдан кейинги иккинчи ўринда туради. Айрим дадил текширувларнинг таъкидлашларича, тез орада Франса Ғарбий Оврупада биринчи исломий мамлакатга айланади. Мусулмон жамоалари кўп давлатлар сирасига Франсадан ташқари Олмония (3,4 милён), Буюк Британия (1,6 милён) ва Италия (1 милён) киради. Финландия ва Ирландияни ҳам ҳисобга олганда, мусулмон жамоалари Ғарбий Оврупа давлатларининг деярли барчасига ёйилган. Лекин милёнлаб ноқонуний муҳожирлар ҳам борганлиги сабабли Оврупа мусулмонларининг аниқ сонини чиқаришнинг иложи йўқ.

Франсуз мусулмонларининг катта қисми келиб чиқиши араб Мағриби (Жазоир, Тунис, Мароқаш)дан. Олмония, Нидерландия, Австрия ва Дания мусулмон жамоалари асосан (учдан икки қисми) турк муҳожирларнинг авлодларидан иборат. Британия мусулмонларининг 69 фоизини Британия Ҳиндистони (Покистон ва Бангладеш) мусулмонлари ташкил этади.

Оврупа мусулмон аҳолисининг ўсиш омиллари

Барча тадқиқотчиларнинг фикрича, оврупалик мусулмонлар сони тез суръатлар билан ўсаяпти. 2000 йилги билан ҳозирги кунда мавжуд маълумотлар солиштирилса, жуда катта фарқни кўриш мумкин. Бу ҳолат куйидаги сабаблар билан изоҳланади:

1. Мусулмон оилаларда туғилишнинг барқарорлиги. Ҳар бир оилада фарзандлар сони ўртача тўрттаданга тўғри келади.

2. Маҳаллий даҳрий ёки номига христиан аҳолининг камайиб бориши. Кўпчилик оврупаликлар бола уларнинг “мўътадил” ҳаёт кечиришларига ҳалақит беради деб ҳисоблашади. Битта фарзанди бор оилалар жуда кам ҳоллардагина иккинчи фарзанд бўлишини хоҳлашади.

3. Оврупа туб аҳолисининг Исломга мурожаат этишлари. Унча катта бўлмаган Франсанинг ўзида оқ танли фаранг мусулмонлар сони 50 мингга етган. Бу кўрсаткич ўрис мусулмонларига нисбатан кўпроқ.

Оврупа мусулмонларининг мавқеи

Оврупа мусулмонлари фаол сиёсий куч ҳисобланишади. 2001 йилнинг баҳори ва ёзида Англия — Брадфорд, Лидс билан Олдем ўртасидаги саноат шаҳарларида яшовчи британиялик ҳинд мусулмонлар ҳақ-хуқуқларини қатъий талаб қилиб чиқишди. 2002 йили Франса парламентига сайловларда ўнг экстремист Миллий Фронтни нохо-

лисликларга йўл қўяётганида айнан франсуз мусулмонларининг оммавий чиқишларидан кейингина ушбу ташкилот сиёсий ҳаётдан четлаштирилди.

2003 йил Ироқдаги уруш масаласи бўйича Оврупанинг ўз нуқтаи назарини билдиришида ҳам оврупалик мусулмонлар жонбозлик кўрсатишди. Ундан ташқари Фаластин халқига нисбатан ўтказилаётган ҳақсизликларга доимий равишда қаршилик билдириб келишади.

Ториқ Рамазон — Оврупа мусулмонлари етакчиси

Оврупадаги Ислом раҳнамоси ва оврупа мусулмонларининг маънавий етакчиси Ториқ Рамазон ҳисобланади. У 1962 йил Женевада (Швейтсария) кўп фарзандли мисрлик муҳожир оиласида туғилди.

Франсуз тилини Ториқ она тили сифатида ўрганди. У Ғарбда таълим олди. Бир неча муддат файласуф Фридрих Нитше таълимотини ўрганиб, литсейларда дарс берди. Лекин бир кун отабоболарининг юрти Мисрда бўлгач, у бутунлай ўзгарди.

Ториқ ҳозирги кунда юксак ақл-идрок эгаси, шу билан бирга, жонқуяр мусулмон. 90-йиллардан у Ғарбнинг йирик шаҳарларида Исломни тарғиб этади, телевидениеда чиқишлар қилади. Ислом ҳақида маълумот берувчи китоблар ёзади. Масалан, бу китоблардан “Лоиқлик (секуляр) муҳитида мусулмонлар” (The Muslims in a Secular Environment), “Ғарб мусулмонлари ва Исломнинг истиқболи” (Western Muslims and Future of Islam), “Оврупалик мусулмон бўлишнинг аҳамияти” (To be a European Muslim) кабиларни келтириш мумкин.

Ториқ Оврупа мусулмон ёшлари ўртасида ҳам катта обрў-эътиборга эга.

Ториқ Рамазоннинг ғояси

Ториқ Рамазоннинг бош мақсади оврупалик мусулмонлар жамиятдан узилиб қолмасликлари учун курашдан иборат. Исломни инсонларга тушунтиришда ёрдам бериш учун оврупада туғилган мусулмонлар оврупача таълим олишлари ва қитъанинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишлари лозим.

Албатта, бундай очиқ-ойдинлик маданиятларнинг аралашиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Ториқ Рамазон бунга тарихий миллий маданиятни азалий диний маданиятдан фарқлай билиш муҳим, деб жавоб беради.

“Араб маданияти Ислом маданияти дегани эмас”; “Араб бўлмасликдан эмас, мусулмон бўлмасликдан кўрқинг”; “Мен оврупаликман, лекин мен мусулмонман”, дейди у.

Алексей ИВАНЕНКО

Ё Раб, умид Ўзингдан,

Абдураззоқ ЮНУС

Ибодат канда қилма

Аввал манзил бу дунё, бир-бир қўниб ўтармиз,
Кимларгадир бош эгиб, кимларга қўл тутармиз,
Гоҳи шоҳдек қувнаб, гоҳ гадодек қон ютармиз,
Билмасмиз ким олдину ким кейинроқ кетармиз.

Тараддуд кўрмасак ҳеч, охиратни унутсак,
Тонгла маҳшар куни хор-ночор қолсак, нетармиз?
Ё Раб, умид Ўзингдан, раҳмингга кўз тутармиз,
Муҳаммад Мустафонинг шафоатин кутармиз.

Эй Розикий, туну кун ибодат канда қилма,
Бир Аллоҳдан ўзгага ўзингни банда қилма.
Ҳашр куни бандам деб Парвардигор қўлласин,
Умматим деб Пайғамбар саодатга йўлласин...

Тошкент

Гафиф ЛАТИФ

Дуо

Бир Аллоҳнинг берганига шуқр қилдим,
Насиб этди, қоим бўлдим ибодатда.
Қаноатда экан бойлик, охир билдим,
Хотиржамлик — Яратганга итоатда.

Ҳақ таоло динимизга қувват берсин,
Юраклар пок, дўстлар доим бўлсин омон.
Юрт тинч бўлсин, боғларимиз гуллайверсин,
Ёмон кўздан асра бизни, ўзинг Раҳмон!

Адашганлар тутсин тезроқ тавба йўлин,
Мадад бергил, синовлардан ўтайлик шод.
Фосиқлар ҳам ихлос ила боғлаб қўлин,
Бир Аллоҳнинг масжидлари бўлсин обод.

Сирғали

Эрназар ТОПИЛ

Солиҳ бўлсин фарзандинг

Жала қуйса тошар сой,
Пишқиради тентаквой.
Саратонда кўр ҳолин —
Қуруқ тошлоқ, қотган лой...

Селдай бебош инсон ҳам
Охиратни унутар.
Ҳатто ўйлаб кўрмайди
Эрта не ҳолат кутар...

Жаҳолатнинг табиби
Ҳақгўй олим — тиниқ сув.
Илми, ҳилми нур каби,
Қониб ичу юзинг юв...

Солиҳ бўлса фарзандинг,
Юзинг ёруғ, қалбинг шод.
Тиловат, дуо сабаб
Икки дунёнинг обод.

Лекин золим зурриёт
Азоб берар шу кундан.
Огоҳ бўлинг, оталар,
Аллоҳ асрасин ундан.



Ёшлик бетакрор

Илк баҳор ниҳол эмак
Аждодларнинг усули.
Кечикиб эксанг, бешак
Кам бўларкан ҳосили.

Ёшликда олган билим
Эртаги ниҳол каби.
“Бешиқдан лаҳадгача
Таълим ол!” деди Набий (с.а.в.)

Баъзилар шундай ўйлар:
Қиш ўтса келар баҳор.
Қайта туғилар ойлар,
Аммо ёшлик бетакрор.

* * *

Завқланиб қарайман: гўзал бу дунё,
Нафсимми, аллаким маҳкам тут дейди.
Қалбимнинг тўридан келган бир нидо
Қўналга лаззатин тез унут дейди.

* * *

Ўзимдан сўрайман ўзим гоҳ бедор
Қилмиш амалинг не, жавоб бер беор?!
Тўкин ризқ бахш этган Қодир Раззоққа
“Алҳамдулиллаҳи” дедингми бир бор?

Оққўрғон

раҳмингга кўз тутармиз



Абдураҳмон ҳожи ҚОДИРИЙ

Қилган шифойинг ғалат

Бевафо дунёга қўйган
 меҳру вафойинг ғалат,
 Бесабаб ҳаттоки морга
 қилган жафойинг ғалат.
 Ҳар дамин билмай ғанимат,
 бу азиз умрингни сен
 Беҳуда ўтказганинг —
 сурган сафойинг ғалат.
 Ҳақ назаргоҳи — қалба
 гар ишқи Ҳақ бўлмаса,
 Вақти сахарлар туриб,
 қилган дуойинг ғалат.
 Элга нафинг тегмаса,
 соҳиби мансаб бўлиб,
 Жоҳиллик баланд турган
 ўлтирар жойинг ғалат.
 Қодирий, гар билмасанг
 хаста дилнинг арзини,
 Гарчи ҳозиқ табибсан,
 қилган шифойинг ғалат.



Ёлғизсан-у, аммо қудратинг чексиз,
 Ҳар икки дунёда ҳикматинг чексиз.
 Нетай, бир гуноҳкор, ожиз бандангман,
 Мағфират айлагин, ҳимматинг чексиз...

Нодон билан асал ялашдан кўра,
 Ақлдан калтак еган яхшироқ.
 Ёмон билан суҳбат қургунча, жўра,
 Жим, Аллоҳ зикрини деган яхшироқ.

Ё Раб, кундузимни тунга дўндирма,
 Ҳаётим шамъини эрта сўндирма.
 Тани соғлик бергин ва хотиржамлик,
 Майли, бошим узра ҳумо қўндирма...

Мулоҳаза қилиб ўтган умрингни,
 Тавба қил эртароқ, бўлмасидан кеч.
 Зеро, ажал сени сўроқлаб келса,
 Уни кечиктириб бўлармиди ҳеч?..

Молу мансаб дея чекма ғам-алам,
 Бу йўлда ҳеч кимга бошинг этма хам.
 Азал тақдирингга ёзгани бўлар,
 Ким Ҳақ ёзганини айлар ортиқ, кам?..



Мақтов, ҳамду сано Сенгагина хос,
 Барча сифатларинг мақтов учун мос.
 Аввалу охири бўлмаган зот Сен,
 Куч-қудрат эгаси Ўзингсан холос.

Агар ошиқ бўлсанг, дунёдан воз кеч,
 Осийни дўст тутма, риёдан воз кеч,
 Мақсадинг Аллоҳга етмоқ бўлса гар,
 Дилингни ёритмас зиёдан воз кеч.

Дунё умидида ақалли бир бор
 Ибодат айласам, кечирма зинҳор.
 Ягона орзуим жамолинг кўрмоқ,
 Орзуимга етказ, ё Парвардигор.

Ё Раб, аввалда-ку, бир қатра обман.
 Эрта бир кун эса хоки туробман.
 Қилмишимдан тониб қайга ҳам боргум,
 Маҳшар куни бир-бир бергум жавоб ман.

Самарқанд

Тўхтасин САТТОР

Кам десанг, бу дунё асли бири кам,
 Ғам десанг, ҳар доим атроф тўла ғам.
 Балки ғамда бизга яхшиликлар бор,
 Нима кўп, нима кам — билар Бир Эгам.

Хасталикда дўстинг олмаса хабар,
 Сен ундан ранжима, ҳолини сўра.
 Бу амални холис бажарсанг агар,
 Аллоҳ сийлагани шу бўлар, жўра...

Намозлар ўқидик, рўза ҳам тутдик,
 Ҳалолу покман деб мукофот кутдик.
 Аммо тиёлмадик тилни ғийбатдан,
 Муфлис фожиасин буткул унутдик.

Отангинг дўстларин қилгин зиёрат,
 Шод айла уларни, дуоларин ол.
 Бу йўлда борингни аяма, фақат
 Аллоҳ ризолигин умид қилиб қол...

Ҳимматли бўлайлик аёл зотига,
 Шайтон миндирмасин жаҳл отига.
 Кибрдан ўнганмас зарба етмасин
 Иқбол қушимизнинг бир қанотига...

Булунғур

Тунов куни ишдан қайтаётиб, галати воқеага дуч келдим. Қарасам рўпарамдаги бино даҳшатли тарзда ёняпти. Дод-фарёдлар эшитилипти. Титроққа тушдим. Ичкаридагиларга жуда раҳмим келди. Папкамни иргитиб, сувга югурдим. Икки челакни тўлдириб, ёнғинни ўчиргани чопдим. Ҳовлиқиб кетаётсам, кимдир оёғимдан чалиб, йиқитди. Сув тўкилди, бурним қонади. Мен бунга парво қилмай, яна

билан келиб йиқилган, оёқ-қўли лат еган бир неча кишига кўзим тушди. Лекин у нега бундай деяпти? Ҳақиқатни билиш ниятида бинога кириш иштиёқи туғилди.

Охири ўша одамдан патта сотиб олиб, ичкарига кирдим. Ёнғин яна ҳам гуриллар эди... Либосимга ўт таъсир қилмагани учун оловнинг ўртасига кириб бордим. Энг хайратлиси, ҳеч кутилмаган манзарага дуч кел-

куни эслайман. Сени шунчалик ўзгарасан деб ўйламаган эдим. Бир пайтлар қандай саодатманд дамларни бошдан кечирган эдинг. Гўзал бир йўлда эдинг. Шунча инсон ичидан сенгагина насиб бўлган бир йўлда!

Қандай ифбатли эдинг, назаринг пок, юзинг ерда, кўнглинг самоларда, руҳинг ҳузур иқлимида эди. Бошқалар сен билан фахрланишар, сени олқиш-лашар, сенга ҳавас қилишар эди.

СОБИҚ ДЎСТИМГА ЖУНАТИЛМАГАН МАКТУБ

челакка ёпишиб, сувга кетаётган эдим, мени чалиб йиқитган одам тўхтатиб, қўлимдан челакни ҳам тортиб олди. Мен унга: “Ахир ёнаётганларни кўрмайсанми, нега йўлимни тўсасан?” дедим жонҳолатда. У бўлса менга: “Сен чарчабсан, қанақа ёнғин, ахир у биз очган дискотека клуби-ку, кўрмайсанми йигит-қизлар ўйнашаётганини, у



овозлар фарёд эмас шўх-шодон қийқириқлар-ку! Нима бало, сен ҳали уларнинг кайфини бузмоқчимисан, нодон, — дея пўписа қилди. Кейин саломшаб: — Агар пулинг бўлса, мана, патта олиб ичкари кир, даврага қўшил, акс ҳолда, бу ердан тез йўқол”, деб ҳайдамоқчи бўлди. Бир зум анграйиб жойимда туриб қолдим. Кўзу қулоғимни текширдим, ҳаммаси жойида. Мен жинни бўлибманми ёки булар ақлдан озганми дея хаёлга чўмдим. Ақлим ишлаб турар, кўрганларим ҳам рўё эмасди. Атрофга олазрак қарасам, яна челак

дим. У ерда бир вақтлар мен билан ҳамсабоқ бўлган дўстимни учратдим. Дўстим ва ёнидагиларнинг кийгани меникига ўхшамас, йўқ ҳисоби, оловдан юзлари қорая бошлаган эди. Ичим зил кетди, бошим айланиб йиқилдим. Бир оздан кейин ўзимга келдим. Не кўз билан кўрайки, сахнада сен ўйнардиг. Айнан сен! Эй воҳ, сенга нима бўлди? Ёнингга бориб: “Ҳар кунги ибодатингни қилиясанми?” деб сўрадим. Сен маст эдинг. Алланима деб жавоб бердинг. Мен сени ҳеч унутганим йўқ. Уч йилдан бери деярли ҳар

Лекин нима бўлди? Бировнинг кўзи тегдими ёки қарғиши урдими? Йўқ, сени энг қаттол душманинг бу ҳолга келтирди. Икки дунёнинг ҳам барбод қиладиган шайтоний бир оламнинг ичига кириб қолдинг.

Қайсидир бот-қоқларда, жисмоний ва нафсоний завқлар орқасида елиб-югуриб юрибсан-а. Агар бу ифлос

оламдан тез чиқиб, ҳақиқий ҳузур саройига кирмасанг, чин олам эшиклари михланиб, сен бу зулуматда абадул-абад қолиб кетишинг турган гап. Тезроқ чиқ у ердан, қайсарлик қилма. Эртага дафтаринг ёпилади, ҳисобинг кўрилади. Кел энди, воз кеч бундай аламли, ўткинчи лаззатлардан, ғафлат кўрпасини устингдан от, доимий ва боқий шавқлар сари интил. Бир вақтлар бор кучинг билан атрофиндагиларга ҳақни танитишга ҳаракат қилардинг. Энди эса ўша ўргатмоқчи бўлганларинг қаёқда-ю, сен қаёқда? Сендан

сабоқ олганларнинг нафрат ва лаънатларига қандай чидайсан? Ёлвориб сўрайман, ақлингни йиғ! Воз кеч у ифлос савдолардан!

Яхшилик қилганинг сенга озгина беҳурматлик қилса, қанчалик хафа бўласан. Ҳолбуки, сенга чексиз эҳсонлар қилган Зотга энг энгил, энг ҳузурбахш, энг оз вақтни оладиган, банда учун энг зарур вазифангни ҳам қилолмаясан. Виждонинг қандай чидаепти? Яшашнинг қандай маъноси бор унда, айт? Заррача виждонинг қолган бўлса, гуноҳларингдан эзилиб, ичингдан йиғлаётган бўлишинг керак, балки бу ҳолатга тушишдан ўлимни афзал кўраётгандирсан. Умид қиламанки, бу кунинг сен учун бир сабоқ бўлар. Вақт сенинг зарарингга ишляпти. Фурсатни қўлдан бой берма! Ўзингни раҳмат дарёсига от! Бошқа ерлардан ҳузур қидириб овора бўлма, етар шунча ўжарлик қилганинг. Исминг саодатлилар рўйхатидан ўчирилиб, бадбахтлар қаторига ёзилишини на сен хоҳлайсан, на мен. Ҳали тавба эшиги очиқ экан, шошил, қанотларингни ёй, парвозинг юксак бўлсин. Фақат, илтимос, умидларимни, эътимодларимни пучга чиқарма, илтимос. Ўзингга раҳминг келмаса, наслингга, пуштикамарингдан бўлажак зурриётларингга раҳм қил, уларнинг ҳаётига заҳар қўшма, ҳали дунёга келмаган у маъсумларнинг ҳаққини поймол қилма. Ўтмишдаги аждодларинг нафратига, келажакдаги авлодларинг лаънатига дучор бўлиш сенга асло-асло ярашмайди. Мендан ранжима!

Ҳақиқат аччиқ. Чин дўст доим ҳақ гапни очиқ айтади. Бемор дорини аччиқ дея ичмаса, шифо ўрнига бало топади.

Сенга тавфиқ тилаб, собиқ дўстинг

УСМОНБЕК

Зиёрат ва рухсат одоби

Ўз уйидан бошқа ҳар қандай жойга изн сўраб, салом бериб кирилади. Агар рухсат берилмаса ёки “қайтинг” дейилса, қайтиб кетилади.

Биров чақириб борилса, жавоб бўлавермаса, кўча эшиги олдида бир оз (тўрт ракат намоз ўқигулик) вақт кутилади. Шунча вақтдан сўнг ҳам жавоб бўлмаса, қайтиб кетиш керак.

Уй соҳибини чақираётганда ҳовли ичига ёки уйга кўз тушмайдиган ҳолда ўнг ёки чап томонда, яъни бир четда туриб тақиллатилади (кўнгироқ чалинади).

Бордию сўралган киши уйда бўлмаса, у ерга кирмаган маъқул.

Келган киши кириш учун рухсат сўрашда паст овоз билан гапириши ва салом бериши керак. Чунки уйда бемор ёки ёш бола бўлса, уларнинг ороми бузилади, хонадон соҳибни ухлаётган бўлса, яна ноқулай.

Хонадон соҳибни келган кишига “лаббай” деб жавоб қайтаради, унинг олдида кийиниб чиқади, очиқ чехра ва мулозамат билан саломлашиб-кўришади, иззат-икром билан уйга таклиф этади. Агар уйга таклиф этишнинг имкони бўлмаса, чиқиб ширин муомала қилиши, “хизматларига тайёрман”, деб гапини эшитиши керак.

Эшик қоқилганида уни эркак киши бориб очади ва жавоб қилади. Агар уйда эркак бўлмаса, аёл киши эшик орқасида туриб «Кимсиз?» деб сўрайди. Келган киши аниқ қилиб кимлигини ва келиш сабабини айтади. Аёл эрининг рухсатисиз уйдан ҳеч нарса бермайди.

Мабодо меҳмон узоқдан келган мусофир бўлса, аёл

меҳмонхонага кириш йўлини кўрсатиб, унга болалар орқали чой-нон чиқаради. Болалар бўлмаса, ўзи эшик орқасидан чой-нон узатиб, эркакларнинг келиш вақтини айтади.

Агар эркакларнинг келиши узоқ бўлса, аёл меҳмонни уйга киргизмайди, балки “Хўжайин фалон вақтда келадилар, шунгача бир айланиб келсинлар”, деб яхши муомала қилади.

Бировнинг уйига борган киши эшикнинг тирқишидан ёки дераза пардаси четидан уйга қараши мумкин эмас, бундай ҳолатларда мезбон келган кишининг ҳатто кўзини ўйиб олишга ҳақли.

Эр уйга кираётганида уйда хотини ёлғиз бўлса, рухсат сўрамайди. Аммо балоғатга етган қизлари ёки сингиллари бўлса, келадиганини билдириб томоқ қириб, йўталиб, оёғини дўпиллатиб кириши лозим.

Эшик берк бўлса ва уч мартагача ҳеч ким жавоб қилмаса, ҳадеб тақиллатавериш ярамайди. Чунки хонадон соҳибни ечиниб ётган бўлса, кийиниб олишига, намоз ўқиётган бўлса, тугаллашига, бошқа юмушини яқунлашига имкон бериш керак.

Бир-бирини зиёрат қилаётган эркаклар одоб доирасида кучоқлашиб кўришишлари мумкин. Бунда бир-бирини аввал ўнг кўкракка, кейин чап кўкракка босилади. Сўнгра қўл беришиб, ҳол-аҳвол сўралади. Ҳозир урф бўлганидай, эркакларнинг ўпишиб кўришишлари ҳеч қандай одобга тўғри келмайди.

Умида АЗИМБОЕВА

тайёрлади



СЕВГИ НИМА?

Бу ҳақиқат ҳақида Қуръони карим шундай дарс беради: **“Унинг оятларидан (яна бири) — У зотнинг сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда севги ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир”** (Рум, 21).

Кўрганингдек, оят “далил”, “аломат” маъносида келмоқда. Коинотга қарасак, ҳамма нарса жой-жойига қўйилганини, у нарсалар мукамал бир низом остида ҳаракат қилаётганини кўрамиз. Мана шу ҳол уларга низом берувчи бир Зот бор эканига далил-ҳужжатдир. Онгсиз нарсаларнинг онгли вазифалар бажарётган яна бир далилдир. Коинотдаги гўзалликлар, гўзаллаштирувчининг, бутун неъматлар эса бир неъмат берувчининг бор эканига далилдир. Қуръони каримда айтилган оятларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида ҳақиқатларга далил ва аломатдир... Ушбу ояти карима бизга кўпинча биз унутиб қўядиган бошқа бир далилни — инсонларга ўз турларидан жуфтлар яратилган ва ораларида севги-марҳамат ҳиссининг қўйилганини эслатмоқда...

Инсонга бирон ҳайвон туридан эмас, балки ўз туридан завжалар яратилиши ҳақиқатан ҳам

катта бир неъматдир. Яна, эркак ва аёл ўртасидаги меҳр-муҳаббат ҳам қанчалик буюк бир лутф!

Шундай бир ҳаёл қилайлик:

У кўрсатмаса эди, биз нимани ҳам кўра олардик?! Шундоқ ҳам ҳали биз кўра олмайдиган қанчадан-қанча борлиқлар бор. Масалан, руҳ, ақл, фаришталар, электромагнит тўлқинлари каби...

У эшиттирмаса эди, биз нимани ҳам эшита олардик?! Ҳали

ҳам бўлса, биз эшита олмаган кўп овозлар бор. Маълум частота оралигидан ташқаридаги овозларни эшитмаймиз.

У севдирмаса эди, биз нимани сева олардик?! Ҳали ҳам биз ҳазар қиладиган, ҳайвонлар эса ёқимли иштаҳа билан ейдиган қанча неъматлар биз жирканадиган, аммо улар буюк завқ билан томоша қиладиган қанча мавжудотлар бор. Пашшага ахлатларни бол каби севдирган, мушукни сичқонга мафтун этган бир ҳикмат бизга ҳам шунга ўхшаш ёмон нарсаларни ҳам севдира оларди. Биз ҳам мамнуният билан севардик...

Демак, бизларга берилган севги ва марҳамат фақат Аллоҳнинг эҳсонидир. Бу эҳсон бўлмаганида эди, ҳеч бир эркак, даромадига шерик ва устига юк бўладиган бир аёлни ва бир неча фарзандни боқишдек машаққатни зиммасига олармиди?!

Масаланинг бошқа бир жиҳати аёлга ҳам тегишлидир.

Инсон наслининг кўпайишини аёл ва эркак орасидаги муносабатга боғлаган Аллоҳ, бу вазифанинг бажарилиши, амалга оширилиши учун бу икки жинс орасида севги ва марҳамат ҳиссини ижод этгандир.

Оятнинг сўнгида баён қилинганидек, **“Шубҳасиз, бунда тафаккур қиладиган бир қавм учун**

(ибрат олинадиган) **аломатлар (оятлар) бор”**.

Эркак ва аёл бир турга мансуб бўлганлари ҳолда ораларида қанчадан-қанча баданий ва руҳий фарқлар мавжуд. Буларнинг ҳаммаси инсон наслининг давоми учун хизмат қилади. Ҳар икки жинс ҳам бу хизматга энг уйғун ҳолда яратилган ва тарбият этилган.

Асримизнинг энг ёмон таҳликаси аёлга бўлган севгининг янгилиш тушунилишидир. Модомики ҳар нарсанинг ҳам энг яхшиси ҳалол доирада бўлгани экан, ҳалол емоқ, ҳалол топмоқ, тўғри сўзламоқ каби ҳалолликни эрхотин ўртасидаги севгига ҳам татбиқ қилмоғимиз даркор.

“Аёл нима учун севилади?” саволининг жавобини, афсуски, аксарият ёшларимиз билмайдилар. Оятдан олган сабоғимизга кўра масалани шу шаклда англашимиз лозим. Аёлни эркакка Аллоҳ севдирган; эркакни ҳам аёлга Аллоҳ севдирган. Аллоҳнинг бу севдириши албатта ҳалол доирада, ва ҳақ яхшилик, хайр учун, жаннат учундир... Ҳайри машруъ (ноҳалол) “севги”лар бу севдиришга кирмайди. Ундай “севги”лар Раҳмоний эмас, шайтонийдир. “Аёллар шайтоннинг тузоғидир” ҳадиси шарифида шунга ўхшаш “севги” тузоғига илинганларнинг аччиқ ва аламли оқибати гоё аниқ бир шаклда баён қилинган.

Бир аёл АЁЛ ўлароқ, фақат эри тарафидан севилиши мумкин, холос... Бундан ташқаридаги бутун “севги”ларни шайтонга тузоқ сифатида таърифласа бўлади. Агар бир қиз эртага ким билан турмуш қуришини билмаган ҳолда (зотан, олдида турган узун бир имтиҳон ҳаёти давомида, ким ўлиб, ким қолиши номаълум экан), атрофдаги юзларча инсоннинг диққатини ўзига жалб қилиб, ёшларнинг шаҳват хирсларини кўзғатиб, бироқ шу юзларча инсонлардан фақатгина биттаси билан турмуш қуришини

билатуриб, ўзини ўлчовсиз даражада очиқ-чочиқ безаб юрган бўлса, бу қиз севгининг ҳақиқати-га эришмаган, тушуниб етмаган ва билмасдан шайтонга тўр-тузоқ бўлган бўлади.

Шайтон эса у тўр-тузоқ билан қанчадан-қанча ёшларнинг иф-фатини, ҳаёсини ва, қолаверса, имонини овлайди.

Қанчаларининг хаёлларини бузиб, ички дунёларини хароб қилганидан кейин улардан бириси билан оила қурган ёш қиз, у билан никоҳланадиган кунгача ҳалол бўлмаган бир ҳаётни яшайди. Бундай ҳаётининг охири никоҳ билан таъминланса ҳам, орқасида гуноҳ ва исён тўла каттакон бир замон бўлаги қолади. Ёхуд, кўпинча бўлганидек, арзимас баҳоналар билан бу турмуш бузилса, охирад-даги даҳшатли азоб ёнида дунёда ҳар икки тараф учун умр бўйи давом этадиган виждон азоби ҳам мерос қолади.

Бир оз мавзудан ташқарига чиққандай бўлдим. Мақсадга яқинлашайлик.

Аёлни “шайтоннинг тузоғи” деб таърифлаган ҳадиси шариф ҳам аёлларни диққатли бўлишга чақирмоқда, ҳам шаҳват асири эркакларнинг аслида кимнинг тузоғига илинганларидан хабар бермоқда ва уларни тергамоқда. Яъни, ҳадис шаҳватига асир эркакни, шайтон тўрига илинган балиқ каби тасвирляпти.

Хулё, жуда яхши биласанки, имон куфрнинг зидди бўлганидек, итоат исённинг ва, ниҳоят, дунё ҳам охирагининг зиддидир. Булардан бирига қай нисбатда яқинлашсанг, наригисидан ўша нисбатда узоқлашсанг. Қанчалик итоат этсанг, исён билан муносабатинг шунчалик кесилади. Имонинг нечоғли кучли бўлса, куфр ва исёндан шу даража узоқ бўласан. Шундай экан, дунёга қанчалик эътибор берсанг, охирагинг шунчалик юзаки бўлади. Дунё завқларини қанчалик олдинга қўйсанг, абадий саодатингдан шунчалик узоқлашсанг. Бу ердаги “дунё”дан

мақсад, охирагга парда бўлган дунёдир. Бир ҳадиси шарифда дунёнинг бу томонига ишорат қилиниб: “Дунё севгиси ҳар хатонинг бошидир!” деб марҳамат қилинган. Мен бу масаланинг аёлга оид бўлган томонлари устида бироз тўхталиб ўтмоқчиман.

Дунё севгисида энг катта қисм аёлга оиддир. Зеро, у дунё тушунчасининг энг жонли ифода-сидир.

Сарват, мансаб, мартаба, обрў каби нарсалар инсонни ҳол тили билан ўзларига тортса, аёлда бу чақирмоқ жонли ва овозли ҳолга келади, Яъни, аёл гапирадиган, куладиган, нозланадиган, ишваланадиган, ҳийла ва найранглари кўп бўлган жонли бир дунёдир... Шунингдек, охирагга саодатини қозонишга катта монё ва тўсиқдир...

Бутун фикру зикрини бир аёлни рози қилишга сарфлаган инсон бора-бора илоҳий ризони ўйламайдиган ҳолга келади. Буларни аёлларни ёмонлаш учун эмас, балки сени ва дугоналарингни шундайин шайтоний бир вазифани адо этишдан қатъиян қайтариш учун ёзганман...

Аллоҳ инсонларни Ўзини билишлари ва севишлари, ризосига ноил бўлишлари ва маърифатида мартабаларга эришишлари, натижада, жаннатга лойиқ бир қийматга эга бўлишлари учун яратган. Бу ҳақиқатдан гафлатда қолиб, борлигини фақат бир жинсий алоқага бағишлашинг, албатта, шайтоний ва нафсий бўлишдан нарига ўтмайди. Ва ниҳоят, ён дафтарчамдан бир пурмаъно сўз ҳавола этаман:

“Бир қадаҳ билан сархуш бўлгандан кейин денгизни қандай ича оласан?!” Бугунги ёшлар томчига ошиқ ва у билан маст-сархуш бўлиш пайида... Денгизни ичишдан мақсад қалбга илоҳий муҳаббатни жойлаштиришдир.

Бутун борлиқлар фақат Аллоҳ учунгина севилиши керак. Эркак ва аёлнинг ҳалол доирадаги севгиси зотан У қалбларга

жойлаштирган бир алоқа ҳиссидир. Уни севишга монё эмасдир. Севги ҳиссини ўз ўрнида ишлатишингни тилаб, мактубимни яқунлайман. Салом билан...”

Бир ойдан кейин Хулёдан жавоб келди. Ёзган мактуби мени ҳам севиштирди, ҳам ўйлан-тирди. Бу сафар унинг руҳи яна бир поғона юксалган эди. Мактубида ёшларнинг бугунги ҳолаҳволидан қайғу, изтироб ва андишаларини ифода этибди. Илк мактубларида ўз ҳолини тасвирлар экан, ич туйғуларини ифодалаш учун ишлатган сўзларини бу сафар умумий ўлароқ ёшларнинг ахлоқий инқирозини ифодалашга сарф қилмоқда, уларга ич-ичидан ачинмоқда, аммо қўлидан ҳам ҳеч нарса келмаётганини қайғуриб ёзмоқда эди.

Мактубнинг бир ерида мендан шундай аҳволга тушганида нималар қилиши кераклигини сўрабди. Унга жавоб ёздим:

“Ҳақиқатни излаган Хулё! Мактубингда сени фарзандлари дардида ёнаётган бир она руҳияти ичида кўрдим. Бу ёшингда шундай бир камолотга эришганинг учун сени табриклайман. Ёшларнинг ҳолини қандай талқин қилишимга келсак, бу мавзуда нима деб ёзишга ҳам ҳайронман. Ҳодисалар ҳамманинг кўз ўнгида кечяпти. Бўйига етган ёки, бошқа бир ифода билан айтганда, турмуш қуриш ёшига етган ёшларнинг болаларча хатти-ҳаракат қилаётганларига тез-тез шоҳид бўламиз. На қиз “оналик”-ка номзод бўлганини ҳис қиладди, на йигит бўлажак отага ярашадиган бир вазият ичида. Қизларимиз йигитлар билан гаплашишар экан, шунчаки табассум қилинадиган оддий бир ҳазил учун овозлари борича қаҳ-қаҳа отиб кулишади. Йигитлар ҳам самимиятсиз ва сунъий кулишлари билан бунга жавоб қайтардилар.

(Давоми келгуси сонда)

Даврон ҚОБИЛ
таржимаси

“Ало-о-о... Ало-о-о. Гапиринг...”

“Ўзингмисан?”

Гўшакдан келган овоз яқин дугонамнинг овози эди...

“Ҳа...”

“Овозинг титрайтими?”

“Йўқ, ўзим, шунчаки... Кўнглим тўлиб кетди. Шунга...”

“Йиғлаясан, сенга нима...”

Гапимни охиригача эшитгиси келмади.

“Сен кеча, армонинг борми, деганмидинг? Ҳозир сенга айтаман... Фақат биргина...”

кўнглингни ғам-андуҳлардан фориф қилади...”

“Сен шоир бўлишинг керак экан”, — дея ҳазиллашиб куламан. — Сенга нима бўляпти?”

У чуқур хўрсинди.

“Сен ҳам аёлсан. Аёлни ҳеч ким аёлчалик яхши тушунмайди. Тўғрими? Ўзинг ҳам, дардимни фақат сен тушуна оласан, дердинг-ку?”

“Ҳа... тўғри”.

“Биласанми, нега аёлни аёл тушунади? Чунки у доим шафқатга, меҳрга, озгина эътибор-

“Йўқ... Сен ўзингни бахтли аёл деб биласанми?”

“Кўйсанг-чи, ҳозир шу гапларнинг мавридими?.. Тунда ижод қилмоқчимисан?! Топган вақтингни қара-ю...”

Унинг ярим тунда кўнғироқ қилиб, берган саволлари кулгимни қистатди.

“Сен куласан... Чунки сенинг ўтаётган ҳар кунинг хурсандчилиқка тўла. Буни кўзларингдан билиб оламан...”

“Кўйсанг-чи... Доим рўзғоримдан сенга нолиганим ноли-

КУТИЛМАГАН ҚҰНҒИРОҚ

У жимиб қолди. Гоҳи-гоҳида ҳиқиллаган овози эшитилди. Гапиришини кутдим. Бир оздан сўнг унинг юлқина-юлқина айтган сўзлари мени ўзимга келтирди.

“Кеч-ир... кейин-роқ... ўзимга келол-маяпман... Хааа-йр...”

Гўшак шарақ этиб қўйилди. Мен ҳам жимгина гўшакни қўйдим. Алламаҳалгача ухлаёлмай, уни ўйладим.

Яна кўнғироқ жиринглади. Шоша-пиша кўтардим.

“Ухламаслигингни билардим... Гўшакни кўтариб, деразага яқинроқ бор. Яқинроқ келдингми? Ташқарида ёмғир... қара, ёз чилласида-я...”

“Ҳа... жуда чиройли ёғпти... Хаёл билан бўлиб, ёмғир ёғаётганини ҳатто сезмабман”.

“Ҳозир ташқаридан уйга кирдим. Кийимларим, сочларим шундай ивиган эдики... Аҳволимни кўрсанг, жинни бўлибсан, дермидинг... Қара, ёмғир тина бошлади... Сен ҳам ёмғирдан кейинги ҳавони яхши кўрасан-а...”

“Ҳа... Атроф ҳам, одам кўнгли ҳам тиниқлашади”.

“У ғуборни ювади, дардларни ўзи билан олиб кетади,

га, ширин сўзга зор бўлади. Ҳатто бойликка кўмсалар ҳам, шунга муҳтожлик сезади... Жудаям... Фитратан заифлиги сабаб бўлса керак...”

У чуқур тин олди. Оҳиста, аммо маънос бир оҳангда яна сўзлай бошлади:

“Сен мени тушуна олармикансан?.. Агар аёл буни ердан тополмаса, Кўқдан унга шафқат ёғилади, тушунайсанми?!”

Аёл ҳаётни пул билан ўлчайди, дейишади. Шу боис сени бойликларга кўмиб, мақтанмоқчи бўлишади. Тиллолар, ҳовлилар, кийимлар, мебеллар... Сен бир зумда бойвуччага айланасан. Энди сен бой-бадавлат, беташвиш, ғам-андуҳсиз аёл бўласан улар наздида... — У истеҳзоли кулди. — Аммо... Ҳаётим улар ўйлаганчалик гўзалмикан?! Бу менинг доим ўзимга ўзим берадиган ягона саволим. Улар айтганидек, тўқис бир “бахт”-ни берувчи шу бойлик кетидан не-не мусибат етишини биласанми? Мен сенга бу ҳақда ҳеч гапирганмидим? Жавоб бер”.

Мен ҳушёр тортиб, уни сўроқлай бошлайман:

“Мусибат?.. Нима, бирор кўнгилсизлик бўлди?”

ган. Шу, сенингча, хурсандчилиқми?”

“Ҳа, нолийсан. Нолишларинг тугагач эса, сендан эринг, болаларинг ҳақида сўрай бошлайман. Сен шунда ҳамма ташвишларингни унутиб, жуда чиройли жилмаясан. Оилангни жуда жуда севасан. Ҳатто уларсиз бир тун қанчалар азоб чекканингни йиғлаб гапирганларинг эсингдами? Эринг сафарга кетган кун. Тун бўйи ухлаёлмай, қийналиб, менга кўнғироқ қилиб, йиғлаганингни унутдингми? Қайтиб келгач, қувончинг ичингга сиймай гапирган гапларинг: “Етишмовчиликлардан нолиб йиғласам: “Сиз менга, болаларимга кераксиз, ойиси, сабр қилинг, ҳаммаси яхши бўлиб кетади”, деб овутиб, тасалли берадилар. Шу сўзлар мени яна яшашга ундайди, ташвишларни бир зумга бўлса-да, унутаман...“ деганларинг ёдингдир... Хоҳласанг, яна давомини айтаман. Сўзма-сўз... Аммо, барибир сен каби жўшқин тусда баён қилолмайман...”

Гапларимни эшитяпсанми? Ало-о-о...”

“...”

Мен лол бўлиб қолдим. У

рост сўзлар эди. Гапларимни сўзма-сўз хотирасида сақлаган экан. Мен унинг ҳолатини энди тушуна бошлаган эдим. Синган кўнглига озор берганимни билиб, лабларимни тишлаганча жим қотиб қолдим.

“Нега жимсан? Ёлғон гапирдимми? Бу сўзларни ҳаводан олдимми?...»

“Йўқ...”

Унинг саволларига зўрға жавоб берардим.

“Хатто сен ҳам менга бой-бадавлат, дарди йўқ аёл сифатида ҳавас қиласан. Мен эсам, шу ҳавасларингни чил-чил синдиргим келмайди. Доим сенга беташвиш аёлдек кўрингим келади...”

Сенга ичимдагини сўзлагим келарди-ю, аммо журъат этолмасдим. Бугун журъатни қаердан олдим, билмайман, бироқ ҳаммасини сенга айтгим келди. Тўғрироғи, бу журъат эмас, аксинча, ҳис-ҳаяжон ғолиблиги бўлса керак... Бугун қувончим зўридан сенга айтаман... Бўлмаса, юрагим ёрилиб кетади... — Унинг овозлари титради. — Биласанми... Э-э-э, сенга буларни айтишни ҳам, айтмасликни ҳам билмай қоляпман...”

“Унда нега тунда безовта қиласан?! — Мен уни қистай бошладим. — Айтадиган гапинг йўқ, вақтимни оласан. Мен ухлашим керак...”

Бу гапларни уни сўзлатиш учунгина айтдим. Аммо у...

“Шошма, гўшакни қўймай тур...” — Боягина қувончдан зўр титраган овози жиддийлашди. — Сен доим уйқуни яхши кўргансан. Бирга ётоқда турган кезларимизда ҳам кўп ухлардинг. Шунча вақт ўтса-да, ҳамон ўшандайсан... Бир-биримиз билан қанчалик яқин бўлмайлик, қисматимиз турли хил. Пешонамизга битилганлари шундай экан...”



“Хафа бўлдингми, кечир... Сен ичиндагини айтаверадиган қиз бўлсанг экан... Суғуриб олмаса, ғашингга тегмаса, гапирмайсан-да!”

“Сен ҳам менинг ўрнимда бўлсанг, шундай қилардинг. Аммо қувончингни барибир яширолмасдинг. Шундайми?!”

“Ҳа...”

“Шоирона сўзлар десанг-да, айтаман, бугун умримнинг энг гўзал лаҳзаларини яшадим. Бугун эрим: “Сен менга кераксан. Болаларим менга керак”, деди. Эшитяпсанми?! Сен деярли кунора эшитган бу сўзларни мен аллақачонлар эшитмай қўйган эдим...”

У жимиб қолди.

“Яна кўзёши қиляпсанми?”

Мен уни ҳойнаҳой яна йиғлапти, деб ўйладим. Ҳеч ким жавоб бермади. Нима бўлдикин, дея бир оз кутиб турдим. Ниҳоят, яна овози эшитилди.

“Ало-о-о... Эшитяпсанми? Гўшакни қўймадингми?”

“Йўқ...”

“Ҳозир яна кўриб келдим.

Болаларим дадаси билан ачомлашиб ухлашяпти. Улар бугун шундай мазза қилишдики... Уларнинг ухлашини бир кўрсанг эди... Бугун дунёда энг бахтли аёл мен бўлсам керак... Мен бу кеча ухлаёлмасам керак...”

Мен унга яна ҳазил қила бошладим:

“Аммо менинг ҳали ухлаш ниятим бор”.

“Ҳа-я... сен ухлашинг керак. Эртага ишга борасан. Кечир... Алламаҳал бўлибди. Озгина бўлса-да, ичимни енгиллатиб олдим. Ҳарқалай, сен менга кулоқ осдинг, бемаҳалда безовта қилсам-да, индамай эшитдинг, ҳаммаси учун раҳмат...”

“Қўйсанг-чи... Сен ҳам болаларинг олдига бориб ухла. Уларга эртага ҳам кераксан... Яхши тушлар кўр.

Ҳар кунинг қувончга тўлсин. Хайр...”

“Хайр...”

Гўшакни зўрға қўйдим. Алламаҳалда жиринглаб, чўчитган бу кутилмаган кўнғироқ ўзим сезмаган ҳолда мен йўқотаёзган ажиб туйғуларни эслатди — оила меҳри нечоғли улкан бахт эканини, бу неъматни вақтида қадрлаш зарурлигини уқтириб кетди. Аста ётоққа кириб, оиламга тикилдим. Билиб-билмай етказган озорларим учун пичирлаб кечирим сўрадим. Болаларимнинг ёнига келдим. Ястанишиб, пишиллашиб ухлаётганини кўриб, кўнглим эриб кетай деди. Шу чоққача Аллоҳнинг бундай неъматларига шукр қилмаганим учун ўзимни айбдор ҳис қилдим. Аллоҳга — Меҳрибонимга, Раҳмлиийимга сиғингим, сиғиниб-сиғиниб мағфиратлар сўрагим келди. Ва тезда таҳорат ола бошладим.

РАЙҲОНА

Турли манбаларда “шуниз”, “камуни ҳиндий”, “сиёҳ туҳма”, “чернушка” деб номланган седана уруғи таркибида 0,4-1,5 фоиз эфир мойи, 40 фоизгача дармондориларга бой махсус мой, мелантин, аччиқ нигеллин гликозидлари бор.

Ибн Синонинг ёзишича, седана балғамни кўчирувчи, ел ва дамни ҳайдовчи, қонни тозаловчи, сўғал, турли доғ ва песни кетказувчи ўткир воситадир.

Сиркага ивигилган седанани янчиб, беморга ҳидлатилса ёки бурнига тортирилса, бош оғриги ва юз фалажини даволашда ёрдам беради. Санавбар чўпи билан қайнатиб, оғиз чайилса, тиш оғригини тўхтади ва тишларни мустаҳкамлайди. Седана яна гижжаларни ўлдиради, киндикка суртиб юрилса, ҳайз қонини юриштиради. Асал ва иссиқ сувга кўшиб ичилса, қовуқ ва бўйракдаги тошларни туширишда ёрдам беради.

СЕДАНА

Халқ табобатида седана юрак, меъда-ичак, жигар, ўпка, тери ва аёллар касалликларини, бавосил, ўпка шамоллаши, истисқо, соч тўкилиши, шамоллаш каби хиасталикларни даволашда, заҳар таъсирини кесишда, кўкрак сутини кўпайтиришда, сийдик ва танадаги ёмон хилтларни ҳайдашда, терига оқ доғлар тушишининг олдини олишда қўлланилган.

Маслаҳатлар

1. Қовурилган седанани зайтун ёғига аралаштириб, тумов бўлган кишининг бурнига томизилади.

2. Ҳайз келмай қолганида 15 гр. седана, 30 гр. арпабодийён бир истакан (200 гр) сувда қайнатилиб, уч маҳал бир ош қошиқдан етти кун ичилади. Бу қайнатма шамоллашда ҳам ёрдам беради.

3. Седана уруғини куйдириб, ёғ ёки хинага аралаштириб бошга суртилса, соч тўкилишининг олдини олади.

4. Седана уруғи аччиқ тарвуз (ханзил) сувига кўшиб киндик атрофига суртилса, қориндаги қурт-гижжаларни туширишга ёрдам беради.

5. Исириқ ва седана уруғини туйиб, бирор ширинликка (асал, новвот) аралаштирилади. Сўнг иссиқ баданга суртиб, ўраниб ётилса, танадаги намликни камайтиради.

6. Бавосилни даволашда седана уруғидан кунига 0,5-1 граммдан икки-уч маҳал истеъмол қилинади, вазилин ёки мол ёғига аралаштириб суртилса ҳам фойда беради.

Сафар МУҲАММАД

ТАРОВЕҲ



“Таровеҳ” луғатда “ором олдириш, дам бериш” маъноларида келган “тарвеҳа” сўзининг кўплик шаклидир. Истилоҳда Рамазон ойида хуфтоннинг суннати ва витр намози ўртасида ўқиладиган намозга нисбатан ишлатилади. Намознинг ҳар тўрт ракатидан сўнг тўхтаб, дам олингани учун “таровеҳ” деб ном берилган.

Таровеҳ намози йигирма ракат бўлиб, эркак-аёллар учун суннати муаккададир. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким Аллоҳдан савоб умид этиб, Рамазон намозини (таровеҳни) ўқиса, олдинги гуноҳлари кечирилади”, дея марҳамат қилганлар (*Бухорий “Салот-тут-таровеҳ”, 1; Муслим “Мусофирин”, 174*).

Ҳазрати Умар халифа бўлгач, одамларни тарқоқ ҳолда таровеҳ намозини адо этаётганларини кўриб, бу намозни яна жамоат билан ўқишни жорий қилдилар (*“Муваммто”, 84*). Ҳазрати Али ҳам: “Умар масжидларимизни таровеҳнинг файзи ила нурлантганидек, Аллоҳ ҳам Умарнинг қабрини шундай нурлантисин”, дея дуо қилиб, бу ишдан мамнун бўлганларини билдирганлар.

Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон ва Ҳазрати Али даврларидан бошлаб, ҳозирги кунгача таровеҳ намози йигирма ракат ўқилади. Саҳобалардан ҳеч ким бунга эътироз билдирмаган, уламолар тарафидан ҳам шу шаклда ўқиш қабул қилинган.

МАЪМУРЖОН
тайёрлади.

